Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 13 май • Пайшанба • № 55 (14083) ترکستان ✱ TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Шу сонга хабар

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

12 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар ва идораларнинг, корпорациялар, уюшмалар ва концернларнинг, ҳудудий бошқарув идораларининг раҳбарлари, вилоятларнинг ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими иштирок этди. Мажлисни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.

1993 йилнинг биринчи чорагида халқ хўжалигини ривожлантириш якунлари ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар қандай бораётгани ҳақида Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов маъруза қилди.

Мажлис қатнашчилари иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётини босқичма-босқич жорий этиш юзасидан олиб борилаётган ишларни, иқтисодиётни барқарорлаштириш чора-тадбирларини муҳокама қилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов нутқ сўзлади.

Мажлисда Олий Кенгаш Раиси Ш. Йўлдошев иштирок этди.

(ЎзА).

ЖУРНАЛИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон радиоси ижодкорларининг куни-кеча бўлиб ўтган умумий йиғилишида Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг ўринбосари Ҳайриддин Мақсудов мактаб ва тарбия бош муҳарририятининг журналистлари Абдурашид Исроилов ва Насиба Зиёвуддиноваларга Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси деган юксак унвонни топширди. Шу муҳарририят ходими Муаттар Усмонова эса Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Мукофот муборак, азиз ҳамкасблар!

«ТОЗА ҲАВО» ОЙЛИГИ

Атрофимизнинг мусаффолигини сақлаш бу ҳақда қабул қилинган қонунга қатъий риоя этиш, ишлаб чиқариш корхоналари, транспорт воситаларидан чиқаётган газ ва бошқа заҳарли тутунларнинг белгиланган маромида бўлишини таъминлаш жуда муҳимдир.

Шу мақсадда Фарғона вилояти ҳокими Мирзажон Исломов вилоятда «Тоза ҳаво» ойлигини ўтказиш ҳақида фармойиш қабул қилди.

Мазкур ойлик йил давомида икки маротаба — 10 мартдан — 10 июнгача ҳамда 13 сентябрдан — 13 октябргача ўтказилади. Мана шу мақсадда ойликни ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқиш учун ташкилий қўмита тузилди.

Тоза ҳаво ойлигини ўтказувчи тўртта тезкор гуруҳ ташкил этилиб, улар ишга киришдилар.

(Ўз мухбиримиз).

САВОБГА НИМА ЕТСИН

Миллий қадриятларимиз тикланганн сари халқ орасида савобли ишларга қўл уриш, меҳр-оқибатли бўлиш ва бир-бирининг ҳолидан хабар олиш аста-секин оммалашиб боряпти. Куни кеча Риштон шаҳрида ночор ва кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган 100 нафар болакайларнинг суннат тўйи ўтказилди.

Мазкур хайрли тадбирга ишбилармон раҳбар, туман матлубот жамиятлари бошқаруви раиси Шахобиддин Тошпўлатов ва унинг мингга яқин меҳнат жамоаси ҳомийлик қилди. Ҳар бир тўйчи болага туман жамғарма банкида омонат дафтарчаси очилиб, уларнинг номига 2 минг сўмдан, жамоа хўжаликлари эса 2500 сўмдан пул ўтказишди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, болалар 18 ёшга тўлган куни уларнинг жамғармаси 500 минг сўмдан ошар экан.

У. ЭРАЛИЕВ.

Юртбошилар

Бургутали РАПИҒАЛИЕВ:

«Халқ ишончини қозонган ютқазмайди»

НАМАНГАН САФАРИГА узоқ тайёргарлик кўрдик. Вилоят ҳокими билан ҳамсуҳбат бўлишдан олдин, ўтган икки-уч йил ичида бу ҳудудда бўлиб ўтган нохуш воқеалар, ўзларини «халқ лашкарлари» деб ҳисоблаган кишиларнинг кирдикорлари ва уларга қарши курашиш учун ўзларида куч тўплай олган ёшлар вакиллари кўз олдимиздан бирма-бир ўтди.

Бургутали ака вилоят ҳокимлигига тайинланганда дўппини ерга қўйиб ўйлаб ўтиришга ҳам фурсат йўқ эди. У холис фикрли кишиларга, ёшларга таяниб, дадил ишга киришди. Аввало ҳар бир жойда тартиб-интизомни жойига, йўқотилган ишончни ўрнига қўйиш учун қатъий кураш бошлади, масъулиятни, обрў-эътиборни йўқотган раҳбарлардан воз кечди. Бу сўзларни энди айтиш осон. Лекин ўша ташвишли кунларда ҳамма нарса силлиқ кечмаган, кўзланган мақсадга осонликча эришилмаган. Бу борада Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг берган маслаҳатлари ва қўллаб-қувватлашлари унга катта далда бўлди. Ўзбекистонимизнинг мустақиллигига раҳна солмоқчи бўлган айрим бузғунчиларнинг шум ниятлари амалга ошмади.

Вилоят ҳокими билан суҳбатлашишдан олдин Наманган шаҳрини айландик. Наҳорги тўй ошига кирдик. Ўзига хос миллий усулда барпо этилиб, шу йил Наврўз айёмида маҳаллаларга тортиқ этилган гузарларда бўлдик. Уларда одамларнинг ҳордиқ чиқариши, ўзаро ҳамсуҳбат бўлиши, соғлиғини тиклаши, маслаҳат олиши, беминнат ёрдам — хуллас барча зарур хизмат кўрсатиш шохобчалари муҳайё этилган. Боқувчисиз қолган оилалар. Улар ҳам вилоятда анча-мунча. Ана шулардан бири — нотўқима газламалар фабрикасининг ишчиси Собирахон Абдувалиева хонадонида ҳам бўлдик. Уларга кўрсатилаётган беминнат ёрдам, ҳақиқий одамгарчиликнинг гувоҳи бўлдик.

Шундай қилиб, суҳбатимиз бошланди.

— Бургутали ака! Газетамизни ҳамма ёшдагилар ўқишига қарамасдан, унинг асосий муштарийлари ёшлар. Шунинг учун ўзингиз тўғрингизда, ҳаёт йўлингиз ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Ташаккур. Аввало шуни айтмоқчиманки, мен ҳам газетангизнинг мухлисларидан бириман. У қандай ном билан чоп этилишидан қатъий назар ёшларнинг энг севимли рўзномаси сифатида муштарийлар эътиборини қозониб келмоқда. Айниқса, кейинги йилларда ўқишлилиги, дадил чиқишлари билан кўпчиликка манзур бўлаяпти.

Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, оддий деҳқон фарзандиман. Отам ва онам умр бўйи колхозда ишлаган. Қишлоқ боласининг ёшлиги қандай ўтадиган бўлса, менинг болалигим ҳам шу зайлда кечган. Мактабни тугатгач, бу қирқ йил олдинги гап, Тошкент молия-иқтисод олий билимгоҳига ўқишга кирдим. Молия-иқтисоди мутахассислигини эгаллаганимдан сўнг ўз вилоятимга қайтиб келиб, турли лавозимларда ишладим. Кейин партия ишига ўтдим. Дастлаб, район партия қўмитаси биринчи котибининг, кейинчалик вилоят партия қўмитаси биринчи котибининг ёрдамчиси, 1966—1972 ҳамда 1990—1991 йилларда Поп район партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаганман. Ўн саккиз йиллик меҳнат фаолиятим бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Наманган вилоят маҳаллий саноат бошқармасида ва вилоят агросаноат бирлашмасида раҳбарлик лавозимларида ишладим.

Оилалиман. Уч нафар фарзандим бор.

— Сиз фуқаро, қолаверса, ҳоким сифатида мамлакатимизда рўй бераётган ислоҳотларга қандай муносабатдасиз! Марказий Осиё ҳамдўстлигининг келажагини қандай тасаввур қиласиз!

— Очиғини айтсам, давлатимизда рўй бераётган ўзгаришларни қониқиш ҳисси билан қарши олаяпман. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Не-не аждодларимиз шундай дориломон кунларни орзу қилиб ўтдилар. Яратганга ҳамду санолар бўлсинким, ёруғ кунларни кўриш, истиқлолга гувоҳ бўлиш ҳозирги авлодга насиб этди. Бу — катта бахт.

Мана, республикамиз мустақилликнинг иккинчи йилига қадам қўйди. Шу фурсат ичида мамлакатимиз асрларга тенг йўлни босиб ўтди, десак хато бўлмас. Мустақил давлат сифатида дунёга танилди. Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг жонкуярлиги, халқимиз тақдири, бугуни ва истиқболини ўйлаб қилаётган саъй-ҳаракатлари туфайли, албатта, қудратли давлат қурамиз. Бунга ишончим комил.

Марказий Осиё ҳамдўстлигига тўхталадиган бўлсам, албатта, бу уюшмадан умидимиз катта. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари давлат бошлиқларининг ўзаро келишувлари натижасида таркиб топган бу ҳамдўстлик тарихий заруриятдир. Иқтисодиётда туб ўзгаришлар вужудга келаётган, ҳар бир мустақил давлат шаклланиш даврини бошидан кечираётган ҳозирги шароитда тарихан таркиб топган анъаналарга таянган ҳолда қўлни-қўлга бериш — узоқни кўзлаб қўйилган муҳим қадам. Биз — туркистонликлар тарихи, дини ва маданияти якдил халқлармиз. Шундай экан, бирлашиб, бирдамлашиб ҳаракат қилсак ҳар қандай муаммони, қийинчиликни осон бартараф этишимиз мумкин.

Бу ҳамдўстлик иқтисодий ва молиявий соҳаларда ҳамкорлик қилишга йўл очади. Маълумингизким, 55 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган Марказий Осиё минтақаси иқтисодий салоҳияти кучидан дунёдаги энг равнақ топган мамлакатлар билан баҳслашиш қудратига эга. Бой хом ашё ресурсларимиз, халқларимизнинг меҳнатсеварлиги, иқлим шароитининг қулайлиги ана шундан далолатдир.

Марказий Осиёдаги республикаларда истиқомат қилувчи халқларнинг ўзаро яқинлиги энг муҳим омилдир. Бу яқинлик нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини Наманган вилояти мисолидан билса бўлади. Географик жойлашуви бўйича Наманган Қирғизистон ва Тожикистон республикалари билан чегарадош. Бу ҳудудларда яшовчи аҳолининг турмуш тарзи шу қадар уйғунлашиб кетганки, эт билан тирноққа қиёслаш мумкин. Қаранг, қўшни Жалолобод вилоятининг қатор туманлари вилоятимизнинг Учқўрғон, Уйчи, Чортоқ, Янгиқўрғон, Чуст, Косонсой, Ленинобод вилояти билан эса Поп ноҳиялари ёнма-ёндир. Шунинг учун ҳам ўзбеклар, тожиклар ва қирғизлар ўртасидаги муносабатлар қадимдан илдиз отган.

[Давоми 2-бетда]

Бозор иқтисодиёти... Рақобат... Бу нарсалар аввалгидек пала-партиш, сифатсиз маҳсулотларнинг бозори касод бўлишини исботлаб бермоқда.

Сирдарёдаги «Пахтакор» кичик корхонасининг фирма дўконлари Гулистон, Тошкент ва Самарқандда фаолият кўрсатмоқда. У ердаги сифатли маҳсулотлар (кичик корхонада ишлаб чиқарилган) катта талаб билан сотилмоқда. Сабаби улар хориждан келтирилган ускуналарда тўқилаётгани.

СУРАТДА: моҳир тўқувчи Ҳуснобод Каримова.

Б. ТУРАЕВ сурати.

Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?

Қарор ижроси билан...

Чилонзор мамлакатимиз пойтахтидаги аҳолиси энг зич, кўп миллатли ва саноати ривожланган туманлардан биридир. Чилонзорликлар Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққий этишига, мустақиллигининг мустаҳкамланишига самарали ҳисса қўшиб келмоқдалар. Айниқса, бу ерда кейинги вақт ичида республикамиз ҳукумати ва Президентининг қарор ва Фармонларини амалга жорий этишда муайян ютуқларга эришилмоқда. Хўш, буниҳг боиси нимада? Фармонлар ва унинг ижросини таъминлашда қандай омиллар қўл келмоқда? Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўйича Давлат назоратчиси О. Е. АҲМЕДОВ шулар хусусида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бугунги кунда республикамиз ижтимоий, иқтисодий ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришларни кўриб беихтиёр шундай ўйга келади киши, — дея сўз бошлади Обиджон Ёқубович. — Мустақиллик шароитида қўлга киритиладиган ҳар қандай ютуқ фақат мамлакатимиз меҳнаткашларининг кундалик фаолиятига боғлиқдир. Ҳамюртларимизни порлоқ истиқболга бошлаш, тўғри йўл кўрсатиш мақсадида республикамиз ҳукумати томонидан қатор дастурий ҳужжатлар қабул қилиндики, илгари силжишдаги кўп жиҳатлар уларни оғишмай бажариш билан чамбарчас боғланган. Шу маънода бизнинг туманимизда қатор тадбирлар кўлами белгиланган.

Гапни энг аввало, Тошкент шаҳар ҳокими ижроия маҳкамаси билан Тошкент шаҳри бўйича давлат назорати қўмитаси бошқарувининг биргаликдаги қарорига асосан Олий Кенгаш қабул қилган Қонун ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва фармойишлари назоратини ташкил этиш тизими ишлаб чиқилганлиги далилидан бошламоқчиман. Ушбу ҳужжатга асосан туманимиз ҳокимининг жойларга шу йил 16 февралида фармойиши юборилди. Унда туманимиздаги мавжуд 270 та корхона ва ташкилотлар, муассасалар раҳбарларига давлат миқёсида қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини сўзсиз таъминлашни қатъий назорат этиш бўйича ишчи гуруҳларини тузиш топширилган. Мазкур Фармойишга кўра, ташкилот ва муассасалар ҳокимлик бўлим ва бошқармалари назорат гуруҳлари раҳбарларига ҳар чоракда ҳокимлик ижроия маҳкамасига ва давлат назорат инспекциясига ахборот бериш юклатилган.

Қарор ва Фармонлар ижросини таъминлаш борасида кўпгина муассасаларда бир қадар тажриба юзага келди. Жумладан, Тошкент иқтисодиёт дорилфунуни, туман ижтимоий таъминот бўлими, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари, ҳудудимиздаги техникум ва билим юртларида, «Альгоритм», 2-салқин ичимликлар заводларида кўрилаётган чора-тадбирлар диққатга сазовордир.

Бироқ ҳукуматимизнинг қанчадан-қанча заҳматлар эвазига зарур шарт-шароитлар, қулайликлар яратишга қаратилган ҳужжатлари ижросини ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек, дейишга ҳали эрта. Хусусан, 2-пойафзал фабрикаси, «Метроқурилиш» ва бошқа қатор қурилиш ташкилотларида бу ишларга етарлича эътибор берилмаяпти. Аниқроғи, ҳаётбахш қарор ва ҳужжатлар моҳияти оммага ўз вақтида етказилмаяпти.

Бунда корхоналардаги аҳволни ўнглаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида шу йилнинг биринчи чорагида уч марта текшириш ўтказилди. Жумладан шаҳримиз аҳолисини нон билан таъминлайдиган 3-нон заводидаги тайёр маҳсулотлар сифати, технологик жараён, истеъмолчиларга етказиб бериш натижалари кўриб чиқилди. Текшириш якунлари шаҳар ва республика назорат қўмиталари комиссияларида муҳокама этилди. Қайд қилинган камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш юзасидан зарур чоралар белгиланди. Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг аҳолини зарур дори-дармонлар билан таъминлашга доир Фармонига мувофиқ туманимиздаги таъминот ижроси масаласи ҳам шаҳар ва республика комиссиялари йиғини кун тартибидан ўрин олди.

С. РУСТАМОВ ёзиб олди.

ПЛЕНУМ БУЛИБ УТДИ

Хоразм вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда вилоят, шаҳар, туман ёшлар ташкилотларининг ҳозирги шароитдаги вазифалари юзасидан вилоят қўмитасининг биринчи котиби Баҳодир Бобожонов маъруза қилди.

Шунингдек, пленумда ташкилий масала кўрилди. А. Отажонов вилоят қўмитаси котиби этиб сайланди.

Пленумда вилоят ҳокими муовини Мир Назарий қатнашди.

(Ўз мухбиримиз).

ЁШЛИК МАРАФОНИ

Ромитон туман Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг ташаббуси билан радиомарафон ўтказилди. Ўша куни марафондан тушган маблағ ҳисобига тумандаги ёш оилалар ва ногиронларнинг 44 нафарига 7 шифонер, 18 та чинниворлар, 19 та китоб жавони тақдим этилди. Туманда тузилган Ёшлар жамғармасига радиомарафон куни қанд ишлаб чиқариш заводи, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш фабрикаси, таъмирлаш корхоналари раҳбарлари яқиндан кўмак бердилар ва катта миқдорда маблағ ўтказдилар.

Радиомарафон кечасида тумандаги барча ташкилот, корхона, жамоа ижара хўжалик раҳбарлари бошланғич Ёшлар Иттифоқи ташкилоти котиблари, қишлоқ кенгаши раислари иштирок этдилар.

Радиомарафонга 1 миллиондан ошиқ маблағ тушди. Бу маблағлар ҳайрия мақсадларига сарфланади.

Йўлдош ЖУМАЕВ,
Ромитон тумани Ёшлар Иттифоқи қўмитаси котиби, Ёшлар жамғармаси директори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЁШ МУАЛЛИФЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАРИ ВА ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАРИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августдаги «Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги фармонини бажариш юзасидан ҳамда илм-фан ва маданият соҳасида республика ёш фуқароларининг бунёдкорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти таъсис этилсин. Ҳар бири республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида олтита мукофот таъсис этилсин.

Мукофотлар 1993 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунида берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг ёш муаллифларининг энг сара асарлари ва илмий ишланмалари учун давлат мукофоти:

энг яхши адабиёт, санъат ва архитектура асарларига — ҳар бир соҳада бир мукофот;

жамиятшунослик, табиат ва техника фанлари соҳаларида илм-фан ва техниканинг илғор йўналишларидаги энг яхши тадқиқотлар учун ҳар бир соҳада бир мукофот берилиши белгилаб қўйилсин.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотининг низоми;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти комиссиясининг таркиби.

4. Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун давлат мукофоти комиссияси:

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаши учун бир ой муддатда лауреатлик дипломи ва фахрий белги эскизларини тақдим этсин;

давлат мукофотини беришга доир ташкилий ишларни мувофиқлаштириб борсин.

5. Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотини бериш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлаганидан сўнг кучга кириши белгилаб қўйилсин.

6. Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти комиссиясининг қарорига биноан давлат мукофоти совриндорларининг айрим асарлари махсус нашр этилиб, эълон қилиниши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитети комиссиянинг қарорига асосан ёш муаллифларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотига сазовор бўлган энг яхши асарлари ва илмий ишларини сифатли нашр этишни таъминласин.

7. Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти лауреатлари 30 ёшга тўлгунга қадар қуйидаги имтиёзлардан фойдаланиши белгилаб қўйилсин:

шаҳар жамоат транспортида (таксидан ташқари) текин юриш;

айрим коммунал ва маиший хизмат ҳақини 50 фоиз чегириб тўлаш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Уй-жой коммунал хўжалик вазирлиги, «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси, «Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорти» давлат уюшмаси, Ўзбекистон маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун давлат мукофоти комиссияси билан келишиб, 1993 йил 1 сентябрга қадар ана шундай имтиёзларни бериш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур мақсадга зарур маблағ ажратишни кўзда тутсин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил, 11 май.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЁШ МУАЛЛИФЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАРИ ВА ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАРИГА УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БЕРИШ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Салоҳиддинов М. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, комиссия раиси

Азимов У. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, комиссия раисининг ўринбосари

Шукурова Э. — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Комитетининг шўъба мудири, комиссия котиби.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Абдуваҳобов А. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Абдуллаев Р. — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи

Орзиматов А. — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Комитетининг биринчи котиби

Аҳмедов Р. — Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг раиси

Аюпов Ш. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Ғуломов Қ. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Ғуломов С. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Жалолов Б. — Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми

Жамол Камол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби

Жўраев Х. — Ўзбекистон Давлат кинокомпаниясининг раиси

Зокиров Ф. — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти

Қориева Б. — Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг раиси

Каримов Ш. — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири

Кимсанбоев Х. — Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси

Назаров Б. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Петрова О. Ю. — «Молодёж Узбекистана» газетасининг бош муҳаррири

Раззоқов Ж. — «Туркистон» газетасининг бош муҳаррири

Рашидова С. — химия фанлари доктори, профессор

Саидов А. — ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор

Ҳайитбоев Э. — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири.

Бургутали РАПИҒАЛИЕВ:

«ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНГАН ЮТҚАЗМАЙДИ»

(Боши 1-бетда)

Улар азал-азал бир ариқдан сув ичишган, бир яйловда пода боқишган, қиз олиб, қиз беришган, қуда-қудағай бўлиб кетишган. Тўйлари ҳам бир, ташвишлари ҳам.

Азалий барҳаёт яхши қўшничилик муносабатлари ҳозирги кунда жуда асқотяпти. Чунончи, ўзбеклар ва қирғизлар ўртасидаги алоқалар танг вазият вужудга келган ҳолларда жуда кўп қўл келмоқда. Биргина мисол — ўтган йили қўшни Ахси тумани табиий офатдан қаттиқ талофат кўрганда дарҳол қўшниларга мададга етиб бордик, техника, ишчи кучлари, қурилиш материалларидан ёрдам бердик. «Бўз—бу ота» жамоа хўжалигида истиқомат қиладиган жабрдийда Фотимахон Қосимова оиласи учун вилоятимиз маблағидан уй қуриб берилди. Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолиси бу уйни «ўзбек уйи» деб аташмоқда.

«Қўшнинг тинч — сен тинч». Тожикистон воқеалари бизни ҳам қаттиқ ташвишга солди. Биродаркушлик урушидан азият чеккан қардошларимизга ҳар томонлама кўмак бердик. Кўплаб «қочоқ»лар вилоятимиздан паноҳ топишди. Бундан ташқари тожикистонлик биродарларимизга нажот бўлсин деб, анчагина озиқовқат, кийим-кечак ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бердик.

Ўзбек, тожик ва қирғиз халқлари ўртасида қадимдан дўстлик мавжуд. Бугунги кунда у янада мустаҳкамланмоқда. Ўтган ойда Попдаги қўшни Ашт тумани билан чегарадош ҳудудда 40 гектар майдонни эгаллаган «Дўстлик» боғи барпо қилинди. Пок ва қутлуғ ниятлар билан бошланган хайрли иш қўшниларимиз томонидан ҳам қувонч билан кутиб олинди. Ленинобод вилояти ижроия қўмитаси раиси А. Ҳамидов бошлиқ қардошларимиз ҳам янги боғда кўчат ўтқазишда иштирок этдилар. Бу мевазор келгусида дўстлигимиз, қардошлигимиз тимсоли бўлиб қолади, деган умиддаман.

— Катта мансаб эгаси билан суҳбатлашганда, гарчанд бироз зерикарли бўлса-да, рақамларсиз гаплашиб бўлмайди. Зеро, рақамларнинг ортида катта ижтимоий масалалар, ишлаб чиқариш натижалари, муаммолар туради. Шу боис вилоятнинг ҳозирги иқтисодий ўрни, мавқеи, керак бўлса, маблағи ҳақида ва энг муҳими, аҳолининг рўзғор даражаси, ижтимоий ҳимояси ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Вилоятимиз жумҳурият иқтисодиётида ўзига хос ўрин тутади. Шу билан бирга уни ривожлантиришда давлатимизнинг бошқа ҳудудларига хос бўлмаган муаммолар ҳам мавжуд.

Вилоятимизда республиканинг 7,6 фоиз аҳолиси яшайди. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноат, транспорт ҳам изчил ривожланмоқда. Бугунги кунда вилоятимиз республикада яратилаётган миллий даромаднинг 7 фоизини бермоқда. Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 7,9 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 6,6 фоизи вилоятимиз меҳнаткашлари ҳиссасига тўғри келади.

Вилоятда ер ости бойликлари кўп. Ҳозирги кунда бу ерда қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноат тармоқларини ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Бунда асосан маҳаллий хом ашёларни тўлиқроқ қайта ишлаш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга катта эътибор бериляпти. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида пухта ўйланган тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик ва ишбилармонлик рағбатлантириляпти. Хусусийлаштириш жараёнлари жадаллаштирилмоқда.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири хорижий шериклар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам эътибор жиддий. Бу билан замонавий технология асосида саноат шохобчалари тизимини вужудга келтириш диққат марказида турибди. Шу кунларда Наманганда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони 30 тага яқинлашиб қолди. Келгусида бу рақам ортиб бораверади.

Аҳолининг турмуш даражаси ва уни ижтимоий ҳимоялаш хусусида тўхталадиган бўлсак, ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитида нарх-наво тўхтовсиз ўсиб бораётган бир пайтда фуқароларни иложи борича қўллаб-қувватлаш юзасидан республикамизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар вилоятимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Айниқса, аҳолининг ижтимоий ночор табақалари— етим-есирлар, болалар, ўқувчилар, нафақачилар, ногиронлар, ёлғиз оналар, камтаъминланган оилалар баҳоли қудрат ижтимоий ҳимоя қилинмоқда. Вилоятдаги 2264 нафар энг оғир шароитда кун кечирадиган қариялар ҳомийликка олиниб, тез-тез уларнинг хонадонларига ташрифлар уюштириш йўлга қўйилди. Бу тадбирнинг ўзи кайфияти тушкун, турмушидан кўнгли тўлмаётган кишиларнинг руҳини кўтаришда катта аҳамият касб этиши аниқ. Булар амалга оширилаётган хайрли ишларнинг бир қисми, холос.

— Наманган республикамиздаги ўзига хос вилоятлардан бири, дедингиз. Аҳоли зичлиги юқори. Ундан ташқари диний таъсир жуда ҳам кучли. Шундай ҳолатда ҳар хил ихтилофлар юзага чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Қандай қилиб уларнинг олдини олишга эришилмоқда. Айтишларича, жума номози кунлари мактабларда ҳатто дарслар тўхтаб қолар экан...

— Тўғри, бошқа вилоятларга қараганда бизда диний руҳ кучли. Бунинг ўзига хос хусусиятлари бор, албатта. Ҳурматли Президентимиз айтганларидек, Ислом дини инсонни гуноҳлардан фориғ қилади. Ўзингизга маълум, таъқиқланган нарсага одамларнинг тушуниб-тушунмай қизиқиши ортиқроқ бўлади. Собиқ Иттифоқ даврида динга муносабат анча чеклаб қўйилди. Ахир 3-4 йил муқаддам ўз яқинларимизнинг жанозаларига қатнаша олмасдик, номоз ўқишлар, рўза тутишлар пинҳона бўларди. Сўнгги йилларда динга муносабат бутунлай ўзгарди. Ибодатга чанқоқ диндорлар ҳам, диндор бўлмаган ёшу қари ҳам берилган эркинликлардан ўринли-ўринсиз фойдалана бошлади. Айниқса, 1989—1990 йилларда Сиз айтгандек, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари орасида жума номозларига дарсларни ташлаб кетиш ҳоллари бўлган. Аммо бирор синф ёки мактабнинг ўқувчилари ёппасига жума номозига кетиб, дарслар тўхтаб қолган эмас.

1991 йил 14 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни билан фуқароларнинг ҳеч қандай қаршиликсиз динга эътиқод қилиш ва диний маросимларни бажариш ҳуқуқлари таъминланди. Қонун барча мактаб, ташкилот, корхона ва муассасаларда ҳамда диндорлар ўртасида ўрганиб чиқилди, семинарлар ташкил этилди. Бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда. Мактабларда эски ўзбек ёзуви машғулотлари олиб борилмоқда. Ошкоралик ва демократия ниқоби остидаги айрим нопок гуруҳларнинг ортидан билиб-билмай эргашган кишилар ўз йўлларини топиб олишмоқда. Масжидларимиз имомлари, уламоларимиз ҳокимликлар билан биргаликда халқимизнинг осойишталигини янада барқарорлаштириш йўлида хизмат кўрсатиб турибдилар. Оғир кунлар ортда қолди, десак бўлади. Бу сўзсиз диний масалалардаги ҳамма ишларимиз равон кетаяпти, деган хулосани билдирмайди.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун талабларига ҳали ҳам тўла жавоб бера оладиган иш қила олганимиз йўқ. Мадраса ва масжидларнинг низомларини адлия ташкилотларида рўйхатдан ўтказиш ҳали ҳам охирига етказилмади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 ноябрдаги 462-сонли «Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларини ташкил этиш ва лицензиялаштириш тартиби ҳақида»ги қарорининг бажарилиши тегишли республика ташкилотларида ҳал этиш керак бўлган ечимларни кутиб ётибди.

Тўққиз йиллик мажбурий таълим жорий этилгандан сўнг минглаб ёшлар кўчада қолиб кетишди. Буларга на ўзларининг ёшларига, қобилиятларига мос корхоналар, на вақт ўтказиш жойлари тайёр эди. Армия хизматига эса ҳали ёшлари етмайди. Бу масала ҳам республика миқёсида тезлик билан кўриб чиқиладиган долзарб муаммолардан бири. Ихтилофлар кўпинча бекорчиликдан келиб чиқади-да. Мана шунинг учун ҳам унинг олдини олиш чораларини кўрмоқдамиз.

— Умуман Ёшлар Иттифоқининг ҳозирги фаолияти ва унинг келажаги ҳақида қандай фикрдасиз!

— Навқирон Ёшлар Иттифоқининг фаолияти тўғрисида яхши фикрдаман. Бу ташкилот йигит ва қизларимизни ягона мақсад йўлида жипслаштириб, уларни ўз ортидан эргаштирмоқда. Ҳозирги ўтиш даврида ёшларнинг ишончини қозониш қийин ва мураккаб ишдир.

Яқинда Наманган вилоят Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг навбатдаги анжуманида иштирок этиб, келажакка бўлган умидим ошди, десам муболаға эмас.

Турмушда рўй бераётган ўзгаришлар ёшларимизнинг дунёқарашида ўз ифодасини топмоқда. Мустақил республикамиз йигит ва қизларининг фаоллиги, мавжуд муаммоларга муносабатлари ҳозир бошқача. Келажагимиз ворисларининг масъулияти ошганлигида, уларнинг Ватанга, истиқлол ва мустақилликка нисбатан қарашларида янгича муносабатлар шаклланаётганлигида Ёшлар Иттифоқининг муносиб ўрни борлигини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи келгусидаги энг нуфузли ташкилотлардан бири сифатида камолга етишига ишончим комил. Республикамиз аҳолисининг деярли ярмидан кўпи ёшлардир. Демак, бу ташкилот энг оммавий ташкилот бўлади.

— Яқинда бизга мактаб ўқувчисидан хат келди. Унда шундай дейилган: «Ҳамма жойда мустақилликни мустаҳкамлаш керак, дейилмоқда. Лекин у қандай қилиб мустаҳкамланади! Бунинг учун мен нима қилишим керак!» Агар қуруққина қилиб ишлашимиз керак, деб қўя қолсак, менинг назаримда, у қайсидир маънода ҳаётдан кўнгли совиб, бефарқ бўлиб қолиши мумкин-да. Саволга Сиз қандай жавоб берган бўлардингиз! Умуман, мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳар бир киши, Сиз, мен ва ўша ўқувчи, ҳар биримиз нима иш қилишимиз керак!

— Ҳақиқатан ҳам бу савол ҳаммамизни чуқурроқ ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундайди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деган китобида шундай жавоб берадилар: «Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.

Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир».

Президентимизнинг бу доно фикрларини ўқиб, менимча, ҳар биримизда мустақилликни мустаҳкамлаш ва она-Ватанимизнинг келгусида буюк давлатга айлантириш туйғуси жўш урганлиги табиийдир.

Яна бир эътиборга молик нарсага диққатингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, собиқ Иттифоқ емирилгач, аввалги ҳар соҳадаги алоқалар, шартнома-ю битимлар узилгач, ҳамдўстликдаги кўпгина мустақил республикалар аҳолисининг турмуш даражаси жуда оғир аҳволга тушиб қолди. У ҳам етмагандай, баъзи ҳудудларда давом этаётган биродаркушлик урушлари, тарафкашлик, мансаб талашишлар оғир иқтисодий ҳолатни янада чуқурлаштирди, таназзулга тушириб қўйди.

Иншооллоҳ, Президентимизнинг узоқни кўзлаган доно ички ва ташқи сиёсатлари туфайли мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишдаги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастурини амалга ошираётгани сабабли халқимиз бошқа мамлакатлар аҳолисига нисбатан яхши кун кечирмоқда.

Юртбошимиз ва ҳукуматимиз амалга ошираётган тадбирларда фаол иштирок этиб, уни қўллаб-қувватлаб, халқимиз ўртасида мунтазам тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борсак, эътиқод ва садоқатимизни амалда намойиш этсак, ўйлайманки, бу билан ҳар биримиз республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

— Умуман кейинги пайтда қилган энг хайрли ишингиз нима бўлди!

— Очиғини айтганда, кейинги пайтда вилоят ҳокимлиги томонидан хилма-хил хайрли ишлар амалга оширилди. Масалан, бозор иқтисоди муносабатларига ўтишда юзага келган қийинчиликлардан вилоятдаги уруш ва меҳнат фахрийлари, қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида вилоят ҳокимининг дастури қабул қилинди.

Наврўзи олам кунлари жуда катта меҳр-мурувват ва хайр-саховат тадбирлари амалга оширилди. Вилоят бўйича жами 13,5 минг нафардан зиёд кишига 29 миллион сўмга яқин маблағ юқоридаги тарзда берилди.

Жумладан, 212 нафар юра олмайдиган ногиронларга ҳар бири 20 минг сўмлик бўлган махсус аравачалар бепул тарқатилди.

Бундан ташқари, 24 нафар етим болаларга хатна тўйлари, моддий шароити ўта оғир бўлган ўн бир етим йигит-қизга никоҳ тўйлари ўтказиб берилди.

13 март куни умумхалқ хайрия ҳашарида 654,4 минг нафардан зиёд киши фаол иштирок этиб, 41 миллион сўмга яқин ишлаб топилган маблағ «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳисобига ўтказилди. Шу куни вилоятда 17 миллион сўмлик қурилиш пудрати ишлари бажарилди. 179 миллион сўмлик саноат моллари ишлаб чиқарилди. Маҳаллалар, турар-жой мавзелари, қабристонларни тартибга келтириш бўйича катта ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Яқинда Наманган шаҳридаги турмуш шароити оғир, ёрдамга муҳтож, ўн нафар фарзандли, боқувчисини йўқотган оилада бўлдим. Очиғини айтганда, уларнинг ҳолини кўриб, дарҳол болаларга уст-бош, кийим-кечак, 5 минг сўм пул, битта сигир бузоғи билан ҳадя қилдик, шунингдек, яшаётган уйларини бепул таъмирлаб бердик.

Миллий қадриятларимизни тиклаш мақсадида халқ ҳунармандчилигини ҳар тарафлама ривожлантиришга жиддий эътибор беряпмиз. Ҳозир вилоят ҳудудидаги қайси шаҳар ва қишлоққа борманг, ҳунармандлар дўкони ёки расталарини кўрасиз. Шуниси диққатга сазоворки, ҳунармандларнинг кўпчилигини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

Энг янги замонавий тиббиёт ускуналарга ва барча қулайликларга эга бўлган оналар саломатлигини муҳофаза қилиш маркази фойдаланишга топширилди. Вилоятда юрак хасталикларини даволаш марказини ташкил этиш тўғрисида ҳам куни-кеча қарор қабул қилдик. Уч-тўрт ой ичида бу саломатлик маркази ҳам қуриб битказилади.

— Яқинда Президентимиз қарори бўйича республикада футболни ривожлантиришнинг янги даври бошланди. Шунга кўра, вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари ўша вилоят, шаҳар ва районларнинг футбол федерациялари раислари этиб тайинландилар. Бугунги кунга келиб, демак, сиз ҳам вилоят футбол федерациясининг бошлиғисиз. Буни шунчаки мажбурият деб қабул қилдингизми ёки ўзингизда бу ишга иштиёқ борми! Умуман, футболга қизиқасизми, ёшлигингизда ялангоёқ копток тепганмисиз!

— Ҳақиқатан, мустақилликнинг иккинчи баҳорида мамлакатимиз спорт ҳаётида ажойиб воқеа юз берди. Бу тарихий воқеа — «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорида ўз ифодасини топди.

Миллий футболимизни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлашга бағишланган мазкур қарор мустақилликнинг самарасидир.

Шу боисдан ҳукумат қарори матбуотда эълон қилиниши билан биз ҳам вилоят, шаҳар ва район ҳокимликлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари тўпланишиб, навбатдаги вазифаларни белгилаб олдик. Бу ҳақда вилоят ҳокимининг қарори қабул қилиниб, унда футбол федерацияси ҳамда ҳомийлар таркиблари тасдиқланди. Вилоят футбол федерациясига шаҳар ва районларда ҳам футбол федерациялари тузилиб, уларга жойлардаги ҳокимлар раислик қилдилар. Биз бу вазифани шунчаки мажбурият деб эмас, балки чуқур масъулият, ифтихор ҳамда катта хурсандчилик билан ўз зиммамизга олдик. Иншооллоҳ, ниятимиз, вазифамизни сидқидилдан бажариб, вилоятимизда футболни ҳар томонлама ривожлантириш, халқаро футбол майдонлари сари одимлашдан иборат.

Ҳозир вилоятда спортнинг футбол тури энг ривожланган бўлиб, бу спорт тури билан 524 та жисмоний тарбия жамоасида 15 мингдан ортиқ киши шуғулланишади.

Вилоятдаги 33 та спорт мактабидан 15 таси футболга ихтисослашган бўлиб, уларда 63 нафар тренер ишлайди. 3 минг 509 нафар мактаб ўқувчилари шуғулланишади.

Хабарингиз бор, республикамиз биринчилигида вилоятимиз шарафини олий лигада «Навбаҳор» (Наманган) ва «Косонсой» (Косонсой), биринчи лигада «Бахт» (Тўрақўрғон), «Норин» (Ҳаққулобод), «Навбаҳор-2» (Наманган) командалари ҳимоя қилишиб, совринли ўринларни эгаллашди.

Айниқса, «Навбаҳор» командаси давлатимизнинг биринчи Биллур совринини эгаллаб, халқаро майдонда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу команданинг мунтазам фаолиятига доимий молиявий шароит яратиб бераётган «Наманганремвод» ишлаб чиқариш бирлашмаси (бошлиғи Ҳакимжон Ҳошимов), вилоят йўл қурилиши бошқармаси (бошлиғи Хусанбой Ғойиббоев), аврли газламалар бирлашмаси (бошлиғи Муҳаммаджон Каримов) ва бошқа ташкилотларнинг меҳнат жамоалари кўмагидан барча ишқибозлар миннатдор.

Жисмоний тарбия ва спортни, шу жумладан, футболни янада тараққий эттириш юзасидан 2000 йилгача мўлжалланган катта режаларимиз бор. Халқаро классдаги иқтидорли футболчиларни етиштириб берадиган махсус футбол мактаб-интернатини очиш ниятидамиз. Футбол бўйича шаҳар ва район ҳамда вилоят биринчиликлари ўтказишнинг мунтазамлигини таъминлаймиз. Хуллас, режалар кўп.

— Бозор иқтисодиёти даврида барча соҳада маълум қийинчиликлар бор. Айтиш жоиз, зиёлилар турмушида бу мураккабликлар нисбатан қийин кечмоқда. Маънавиятнинг ҳозирги аҳволи кишини ташвишлантиради. Бу борада вилоятдаги ишлар, ижодкор қадр-қимматини ошириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида ҳам гапирсангиз. Мана бир мисол, Хоразм, Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё вилоят ҳокимларининг қарори билан шу жойдаги ижодкорлар хизмат даврида транспортдан бепул фойдаланишмоқда.

— Жуда ўринли савол. Бу масала бизнинг ҳам диққат-эътиборимизда. Бозор иқтисоди шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир Президент Фармонларини вилоятда тўла бажаришга ҳаракат қиляпмиз. Шу боисдан кейинги қисқа давр ичида ижтимоий ҳимояга муҳтож соҳалар, шу жумладан, ижодкор ходимларнинг моддий шароитини яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Республика Президентининг 1992 йил 28 июлдаги 448-сонли «Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги байрам қилиниши муносабати билан республиканинг ижодкор ва тиббиёт ходимларига имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Фармони бўйича вилоят ижодий уюшмаларидаги 549 нафар ижодкорлар белгиланган имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Давлат, ташкилот, корхоналар тасарруфидаги уйларда яшаётган 92 нафар ижодкор ходимлардан ўз уйини хусусийлаштириш бўйича берилган 65 та аризадан 59 таси комиссиялар томонидан кўриб чиқилиб, бепул хусусийлаштириб берилди. Уй қуриш учун ер участкаси олишга берилган 103 та аризадан ҳозиргача 98 таси ижобий ҳал этилди. Ижодкор ходимлардан 39 нафари коммунал тўловларда белгиланган имтиёзлардан бепул фойдаланмоқдалар. Бу Фармоннинг бажарилишини таъминлаш учун вилоят бюджетидан 219,8 минг сўм маблағ сарфланди. Ҳа, айтгандай, яқинда бизда ҳам ижодкорлар ва журналистларга хизмат даврида жамоат транспортида бепул юриш имтиёзини бериш жорий этилади.

— Бургутали ака, суҳбатимиз ниҳояланяпти. Сизнинг ёшларимизга айтмоқчи бўлган фикрларингиз бордир! Негаки, бу мураккаб даврда айрим ёшлар орасида маълум эсанкираш, лоқайдлик, пул кетидан қувиш кучайиб, қадриятларимизга эътибор сусаймоқда. Шу маънода ҳаётнинг оғир-енгилликларини кўп кўрган сиздек кишининг фикрлари, назаримизда, аҳамиятлидир.

— Ҳаётимизда рўй бераётган воқеалар ҳоҳ у салбий бўлсин, ҳоҳ ижобий бўлсин, биринчи навбатда эндигина мустақил ҳаётга қадам қўяётган, турмуш тажрибаси кам ёшлар онгига таъсир этади. Айтайлик, кейинги йиллардаги сиёсий-иқтисодий таназзул нафақат ёшларни, балки катталарни ҳам ўйлантириб қўйди. Умуминсоний қадриятларга бўлган эътибор сусайди. Ватанни севиш, ўтмишга эҳтиром, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, камтарлик, саховат каби хислатлар иккинчи даражага суриб қўйилди. Кўпчилик ҳаёт ташвишларидан эсанкираб қолди. Рўй берган салбий ҳодисалар лоқайдлик касалини газаклатди. Натижада чайқовчилик, юлғичлик, ўғрилик, уюшган жиноятчилик каби ҳодисалар авж олди. Ҳаётдаги барча муаммоларни пул билан ўлчаш қоидага айланди. Ваҳоланки, инсонлар, биринчи навбатда, ёшлар маънавий баркамол, етук бўлмас эканлар, турмушимиз ҳеч қачон фаровон бўлмайди.

Ҳар бир ўсмир нафсга берилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, уни тузатиш мушкул. Ёшларда ахлоқий хислатлар таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва атрофдаги кишилар алоҳида аҳамиятга эга.

Соғлом, фикри теран, ақли расо ёшлар юртимизга ниҳоятда зарур. Сиҳатимиз, саодатимиз, қаноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, бутун ҳаётимиз ҳаракатимизга, яъни меҳнатимизга боғлиқдир. Меҳнат одамни ўз мақсадига етказади. Ёшлар ҳунар ўрганишса, касб-кор билан шуғулланишса, ўзларининг турмуши тўқ, кайфияти юқори, юртимиз эса гўзал бўлаверади.

Йигитларимиз жасоратли, қўрқмас, довюрак бўлишларини истайман. Негаки, соғлом, ақлли ва ўтюрак киши ватанпарвар бўлади.

Боболаримиздан мерос бебаҳо маданиятимиз, қадриятларимиз улкан бойлигимиздир. Уларни эъзозлаш — Ватанни севиш демак. Ўз Ватанини севмаган киши ҳеч нарсани эъзозлай олмайди. Ватанни севмоқ — ҳар биримизнинг муқаддас, инсоний бурчимиз. Ёшларимиз бу муқаддас бурчни сидқидилдан адо этишларини истардим.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

...БАҲОР ТАШВИШЛАР, экин-тикин ишлари авжига минаётган дақиқаларини олтинга тенглаб ҳисоблаётган шу кунларда ҳокимнинг вақтини кўпам олишни ўзимизга эп кўрмадик. Бунинг устига ўтган ҳафтада юз берган табиий офатлар анча-мунча қийинчиликлар туғдирди. Аммо одамларнинг иродасини бука олмади. «Ҳали қиладиган ишларимиз олдинда, — деди Бургутали ака. — Умум ишида халқ ишончини қозонган одам ютқазмайди, албатта, ютади. Биз ҳам хайрлашар эканмиз, вилоят ҳокимининг ана шу ниятларига бутун қалбимиз ила ҳамфикр эканлигимизни билдирдик.

Суҳбатни Жаббор РАЗЗОҚОВ олиб борди.

БУ ҚЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

БМТ КУЧЛАРИ Босниянинг Жепа шаҳрини қуролсизлантиришга киришди. Муҳофаза кучлари душанба куни ўз бўлинмаларини Жепа шаҳрига ва унинг атрофларига кирита бошлайди, дейилади шу кучлар қўмондонининг ахборотида. Бу эса Хавфсизлик Кенгашининг 824-қарорини бажариш йўлидаги биринчи қадам бўлади.

* * *

УЧ КЕЧА-КУНДУЗДАН бери босниялик хорватларнинг армияси билан Босния ва Герцеговина ҳукумати қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар давом этмоқда. Хорватлар тўплар ёрдамида Неретва дарёсининг ўнг соҳилидаги энг муҳим жойлардан мусулмонларни суриб чиқардилар ва душанбадан сешанбага ўтар кечаси Мостар шаҳрининг бутун ўнг соҳилдаги қисмини ишғол қилдилар. Мусулмонлар ўз душманларини айблаб, Хорватиянинг мунтазам армияси бўлинмалари уларнинг томонида жанг қилаётганини айтмоқдалар.

* * *

ЎТГАН ОЙДА Қувайт ҳукумати Ироқ томонидан тайёрланган фитнани фош этгани ҳақидаги миш-мишнинг тарқалиши Амриқода катта шов-шувга сабаб бўлди. Тахминга кўра, Форс кўрфазидаги ғалабанинг икки йиллиги муносабати билан шу йилнинг 14—16 апрель кунлари Қувайтда меҳмон бўлган Жорж Бушга қарши суиқасд режалаштирилган. Қувайт манбаларига қараганда, 16 киши қўпорувчиликда айбланиб қамоққа олинди. Қўлга олинганларнинг 11 нафари, жумладан, разведка полковниги ҳам ироқликдир.

Шу кунларда Амриқонинг махфий хизмат ходимларидан иборат махсус тергов гуруҳи Ироққа қарши айбларни текшириш мақсадида Қувайтга жўнаб кетди.

Урушнинг даҳшатли қиёфаси

...140 минг тинч аҳоли, шу жумладан, минглаб болалар ҳалок бўлди, 800 мингдан ортиқ киши туғилган жойларидан қувилди, юзлаб қишлоқ ва шаҳарлар вайрон қилинди, 800 черков ва масжид ер билан яксон этилди...

Собиқ Югославия Федерациясининг бир жумҳурияти бўлган Босния ва Герцеговинада бир йилдан буён давом этаётган миллий ва диний можароларнинг фожеаси ана шу рақамларда яққол акс этади. Шу давр мобайнида жаҳон матбуотида бу ҳақда неча бор ёзилди, қанчадан-қанча халқаро ташкилотлар уни бартараф этиш учун ҳаракат қилдилар. Аммо кутилган натижага эришиш осон бўлмади.

Хўш, бу можаролар қандай бошланди? Нега шу пайтгача ёнма-ён ва аҳил яшаган халқлар бир-бирларига душман бўлиб қолдилар?

Буни англаш учун тарихга бир назар ташлайлик. 1389 йил. Сербиядаги Косово майдонида Турк султони Мурод биринчи лашкарлари билан шоҳ Лазарь бошчилигидаги серб қўшинлари ўртасида ҳаёт-мамот жанги бўлиб ўтди. У шунчалик шиддатли кечдики, иккала ҳукмдор ҳам жанг майдонида шаҳид бўлдилар. Охир оқибатда туркларнинг қўли баланд келди. 70 йил давомида улар бутун Болқон ерларини забт этдилар. Туркларнинг 50 йиллик ҳукмронлиги даврида бу ерда туркий ва исломий маданият шаклланди, мусулмонлар нуфузи анча ортди.

1991 йилга қадар Югославия Федерацияси 6 жумҳурият ва 2 ўлкадан ташкил топган эди. Жумҳуриятлар бирин-кетин ўз мустақилликларини эълон қила бошладилар. Титонинг «Темир» қўллари билан яратилган, гўё абадийдек туюлган бу давлат инқирозга юз тутди. Дастлаб Словения ва Хорватия, сўнгра Босния ва Герцеговина мустақиллик йўлига қадам қўйдилар.

Маълумки, катта империяларнинг парчаланиши ҳамиша оғир кечади. Диний ва миллий можаролар рўй беради. Собиқ шўролар иттифоқидаги айрим жумҳуриятларда содир бўлган воқеалар фикримизнинг далилидир. Югославияда ҳам шундай бўлди. Азалдан империячилик туйғуси билан яшаб келган ва мамлакатда энг кўп сонли бўлган серблар мустақил жумҳуриятлар йўлига турли хил ғовлар қўя бошладилар. Боснияда ҳам улар Белграддаги серб раҳбарлари қутқусига учиб, ўзларининг Краина деб аталмиш республикаларини эълон қилдилар. Мунтазам серб армияси эса краиналикларга қўшилиб, Босния ва Герцеговина ҳамда Хорватия устига қонли юришлар уюштирди. Бир вақтлар гўзаллиги билан оламга машҳур бўлган Адриатика кўрфази соҳилларидаги шаҳар ва қишлоқлар вайронага айлантирилди.

Босния мусулмонларининг раҳбари Алия Изатбекович ҳамда Хорватия Президенти Франго Тужманнинг жаҳон ҳамжамиятига қилган бир неча мурожаатидан сўнг БМТ қошида Югославия бўйича сулҳ конференцияси чақирилди. Лорд Оуэн ва собиқ АҚШ давлат котиби Сайрус Вэнс унинг ҳамраислари этиб тайинландилар. Бу борада бир қанча резолюциялар қабул қилинди. Сербияга қарши иқтисодий жазо чоралари қўлланилди. БМТ кучлари уруш оловини пасайтириш учун кўп ҳаракат қилдилар. Сулҳ конференциясида Босниядаги урушни тинчитиш бўйича махсус тадбирлар белгиланиб, у Венс-Оуэн режаси деб аталди. Унга кўра, Босния ва Герцеговина ҳудуди миллат ва элатларнинг жойлашишига қараб ярим мухтор ўн вилоятга бўлиниши керак. Бу ҳақдаги ҳужжат дастлаб мусулмонлар ва хорватлар томонидан имзоланган бўлса ҳам Босниядаги серблар раҳбари Радован Каражич турли хил баҳоналар билан ундан бўйин товлаб келди. Аммо сўнгги кунларда Амриқо раҳбарияти сербларнинг узоққа отадиган тўплари ва қароргоҳларини бомбабўрон қилишни мўлжаллаётгани ҳақидаги хабар уни ҳам Венс-Оуэн режасини имзолашга мажбур қилди. Энди ҳужжатни серб Краинаси парламенти тасдиқлаши керак.

Мантиқсиз хунрезлик шу билан баҳрам топармикин? Буни келгуси воқеалар кўрсатади, албатта.

Н. МУҲАММАДИЕВ,
Х. АБДУЛЛАЕВ.
(ЎзА).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТОШНИ ТАЛҚОН ҚИЛУВЧИ ОШҚОЗОН

● КЎЗБОЙЛАҒИЧЛАРНИНГ шар ютиши ҳозир кўпчиликни ҳайратга солмай қўйди. Бироқ оддий одам темир шар ютсачи, албатта, бу ҳол ҳайратланарли.

Жанубий Африканинг Биттерфонтейн шаҳрида яшовчи Грегори Уилкинсоннинг ошқозони тошни ҳам талқон қилиб юборади. Гап шундаки, у 2,5—3 сантиметр ҳажмдаги пластик ва целлулоид (целлюлозадан тайёрланган қаттиқ материал)ли шарларни бемалол ютиб юборади. Ютгандаям уч-тўрттасини кетма-кет ютади.

Дарвоқе, шар ютгандан кейин дўхтирлар унинг ошқозонини рентгенда кузатишган ҳам. Аниқланишича, ҳар доим унинг ошқозони шарларни майдалаб ташлар экан.

Уилкинсон 4 йилдан бери шар ютиш машғулоти билан шуғулланади, деб хабар беради Жанубий Африканинг «Стар» газетаси.

ШВЕЙЦАРИЯЛИКЛАР ЎЗИГА ТЎҚ

● КЎПЧИЛИК биладики, бугунги кунда японлар, амриқоликлар бойвачча халқ. Улар орасида миллионерлар кўп, ҳатто миллиардерлар ҳам. Бироқ, Бутунжаҳон банки тарқатган маълумотномага кўра, бугунги кунда энг ўзига тўқ халқ японлар эмас, ёки амриқоликлар ҳам эмас, балки швейцарияликлар экан. Негаки, Япония ва амриқоликлар орасида камбағал-бечоралар ҳам талайгина, Швейцарияда эса йўқ ҳисоб. Бу ерда ҳар бир одамнинг йиллик даромади ўртача 33 минг долларни ташкил этади.

Халқининг ижтимоий яхши таъминланиши жиҳатидан иккинчи ўринда Люксембург, сўнг Япония, Швеция, Финляндия, Норвегия, Дания, Германия, Исландия туради. АҚШ эса ўнинчи ўринда.

Аҳолисининг турмуш даражаси энг паст мамлакатлар — Мозамбик, Танзания ва Эфиопия экан.

БУГУН ТОШКЕНТДА «БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ» МАВЗУИДАГИ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ ОЧИЛАДИ

Мустақиллик меваси

Тузумдан тузумга ўтиш ҳеч кимга ҳам енгил кечмаган. Бизнинг чекимизга эса, бутун бошли давлат тузумини, давлат тизимини юқоридан қуйига, қуйидан юқорига қадар «тузатиш» (юмшоқроқ қилиб айтганда) тушди. Бунинг учун биз, куни кеча ўраб ташланганимиз қобиқни ёриб чиқишимиз, жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан алоқаларни йўлга қўйиб, уларнинг тажрибаларидан фойдаланишимизга тўғри келади. Мамлакатимиз раҳбариятининг бу йўлда олиб бораётган изчил ва дадил ҳаракатлари ҳар қанча мақтовга лойиқ. Бугун очилажак симпозиумнинг мақсади ҳам, раҳбарият мақсади билан муштарак. Ўтиш даври инқирозларидан халқимиз иложи борича камроқ озор чексин...

Ўтаётган тадбир ташкилотчилари Туркия давлатининг юртимизда чоп этилаётган «Заман — Ўзбекистон» газетаси муҳарририяти ва Тошкент Молия институти жамоасидир. Биз ушбу анжуман ташкилотчилари билан суҳбатларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Биринчи суҳбатдошимиз Тошкент Молия институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ:

I. ULUSLARARASI SERBEST PİYASA EKONOMİSİ SEMPOZYUMU
ORGANİZASYON
TAŞKENT MALİYE ENSTİTÜSÜ
VE
ZAMAN GAZETESİ
TAŞKENT/ÖZBEKİSTAN
13-14 MAYIS 1993

— Мурод ака, муштарийларимизни ўтаётган тадбир ва ундан кўзланган мақсад билан яхшироқ таништирсангиз?

— Бозор иқтисодига ўтиш ва шу асосда иқтисодий ўсишни таъминлаб, фаровон турмушга эришиш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир. Ривожланган мамлакатлардан истаганингизни олиб кўринг, албатта, у юксалишни эркин бозор йўлида босиб ўтган. Қачонки бозорда эркинлик, рақобат бўлмас экан, ўсиш бўлмайди. Биз бу нарсани бугун, истиқлолга эришганимиздан кейингина ҳис қилаяпмиз. Эркин яшай бошлаганимизга бор-йўғи 20 ой бўлаяпти. Биз ана шу қисқа вақт ичида кўп нарсага эришдик. Кутилганидан кўра бир неча баравар улканроқ ишларни амалга оширдик. Мустақиллик мевасининг таъмини, унинг нақадар асллигини ҳис қилдик. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мана шу ўтказаётганимиз тадбирни, бундан беш-ўн йил олдин ташкил қилиш мумкинмиди? Йўқ, албатта.

Энди ундан кўзланган мақсадга келсак. Бизга маълумки, бозор иқтисодининг ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд. Ва ҳар бир давлат, ҳар бир ҳудудда ундан фойдаланишнинг ўзига хос ва мос йўллари бор. Тўғри, Президентимиз И. А. Каримов давлатимизнинг юксалиш ва ривожланиш йўлларини ўз китобларида жуда аниқ ва лўнда тасвирлаб берган. Биз ана шу йўлнинг моҳияти, асосларини чуқур ўрганиш ва пухта эгаллаш учун ҳам ана шу тадбирни амалга ошираяпмиз. Оддий қилиб айтганда, мақсадимиз тажриба алмашиш, бир-биримиздан ўрганиш десак ҳам бўлади.

— Ёшлар рўзномаси вакили сифатида мени бир нарса қизиқтириб турибди. Ўтказилажак тадбирдан Ўзбекистон ёшлари қай даражада манфаатдор бўлишади?

— Ўтиш даври бир кун ёки бир йилда тугалланадиган жараён эмас. У биздан узоқ вақт ва шунга яраша чидам, сабот талаб қиладиган босқичдир. Ана шу босқичнинг асосий оғирлиги ёшларимизнинг зиммасига тушади. Улар бугун ўтишнинг юкини тортаётган бўлсалар, эртага ҳақиқий бозорни ривожлантиришларига тўғри келади. Бу осон иш эмас. Бунинг учун улардан билим, жуда катта иқтидор талаб қилинади.

Симпозиум ўтказишни режалаштирганимиздаёқ ёшларга алоҳида эътибор берганмиз. Тадбирга саккиз юзга яқин киши қатнашади. Уларнинг асосий қисми ёшлар.

Мана Олмонияда, Людвик Эрхард ислоҳоти. Америқода рейганомика, Англияда тетчеризм ҳақида гапиришади. Бизда ўтказилаётган ислоҳотларни эса, тўғридан-тўғри И. А. Каримов номига боғлашади. Бу бор гап. Бугунги давр тарихга ҳам Каримов ислоҳоти номи билан киради. Лекин ислоҳотчини қўлловчи, унинг яхши ниятларини амалга оширувчиларнинг катта қисми ёшлардир. Ёшларимиз ўтаётган тадбирга шу нуқтаи назардан ёндошсалар, қатнашажак дунё олимларидан иложи борича кўпроқ нарса ўрганишга ҳаракат қилсалар, айни муддао бўларди.

Яна бир суҳбатдошимиз анжуман қатнашчиси, Туркия давлати Измир шаҳридаги Тўққизинчи сентябрь Университети иқтисод ва идора ишлари илмлари факультети меҳнат иқтисоди ва саноат алоқалари кафедраси доценти, доктор Мехмет ЧИФТЛИКЛИ бўлди:

— Агар иқтисодчи кўзи билан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда ҳозир олиб борилаётган иқтисодий сиёсат изчил амалга оширилса, бошланган барча ишлар охиригача олиб бориладиган бўлса, яқин орада кўплаб давлатлар Сизнинг мамлакатингизга ҳавас қиладиган бўлишади. Бунинг учун давлатингизда етарлича шарт-шароит ва имкониятлар мажуд. Фақат энди ўзбеклар дунёга чиқиши, дунё иқтисод илми билан яқиндан танишишлари керак. Халқнинг онгини уйғотиш лозим. Етмиш йиллик коммуна халқ онгига сингдириб ташлаган ғояларни йўқотиш, уни карахтликдан олиб чиқиш керак бўлади. Бунинг учун сизларга узоқни кўра биладиган, илғор хорижий мамлакатлар сиёсати, иқтисоди, технологияси билан чуқур таниш бўлган раҳбар зарур эди. Не бахтки, Ўзбекистоннинг шундай раҳбари бор.

Аччиқ бўлса-да, бир нарсани айтиб ўтиш керак. Мамлакатингиз техника, технология жиҳатидан анча орқада қолиб кетган. Бошқа давлатлар билан Ўзбекистон ўртасидаги ана шу масофани тезроқ бараварлаштириш керак. Агар юртингиз бундан беш-ўн йил олдин ўз мустақиллигини қўлга киритганида эди, сиз бугун мен билан қилаётган суҳбатингизни сўзма-сўз ёзиб ўтирмаган бўлардингиз. Бу энг оддий ва содда мисол...

Ҳар бир инсон ўз-ўзини онгли равишда англашига эришиш орқалигина, ҳар томонлама ва мукаммал, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш мумкин. Ишлаб чиқарилган маҳсулот деганда фақатгина саноат ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тушуниш керак эмас. Чунки фан, дипломатия ва шунга ўхшаш бошқа соҳада ишловчи хизматчилар тайёрлаш ҳам ишлаб чиқаришга киради. Бир сўз билан айтганда. Ўзбекистон ўзи учун етук мутахассис кадрлар тайёрлаш орқали жуда катта юксалиш йўлини босиб ўтади. Бунга менинг ишончим комил.

Ислом ҲАМРО
суҳбатлашди.

БАҲОР ВА ЁШЛИК ЁНМА-ЁН

— Ҳар йили энг сўлим ой — саврда Тошкент болалар тиббиёти институтида «Талабалар куни»ни нишонлаш анъана тусига кириб қолган.

Уни айни баҳор ойида нишонлашимизнинг ўзига хос рамзий томони бор, — дейди институт ректори, профессор Амин Сулаймонов, — чунки баҳор ва ёшлик ҳамиша ёнма-ён. Баҳор гўзалликлари ва ёшликнинг завқ-шавқи, шижоати уйғунлашиб, ажойиб бир тароват касб этади, қалбларга янгилик ва яхшилик уруғларини сепади.

Ушбу кун институтни битираётган талабалар билан рамзий маънода хайрлашилади. Рамзий дейишнинг сабаби шундаки, улар учун аслида институт эшиклари доимо очиқ. Улар тиббиётнинг заҳматли йўлидаги мустақил фаолиятлари давомида қийналиб қолишса ёки ҳаётда бошқа бир тўсиқларга дуч келса, илмий иш қилишмоқчи бўлишса кейинчалик улар ҳам қадрдон домлаларига, кафедра ва клиникаларга бемалол мурожаат қилишлари мумкин. Институтни тугатаётган талабаларимизнинг энг яхши хислатлари, фазилатлари бу байрам кунида яна бир бор қайд қилиниб, кейинги курс талабалари томонидан давом эттириш учун қабул қилинади.



«Талабалар куни» давомида касаба уюшмаси ва Ёшлар Иттифоқи ташкилоти аълочи ва жамоат ишларида фаол қатнашган талабаларга қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда пул мукофотларини топширдилар.

Институтнинг биринчи ва иккинчи педиатрия факультетлари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Тадбирда илм даргоҳининг «Навбаҳор» бадиий ҳаваскорлик дастаси, таниқли санъаткор Ғ. Бойтоев, Республикада хизмат кўрсатган артист Абдуҳошим Исмоилов раҳбарлигидаги Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги мақомчилар дастаси, қизиқчи М. Ҳолматов, Т. Азизовлар ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Талабалар куни тантанаси оқшом қадар давом этди.

СУРАТЛАРДА: «Талабалар куни»дан лавҳалар акс этган.

Нормўмин ОЧИЛОВ.

Таҳрирсиз хат

БОЛАЛАРНИ ҚУВОНЧДАН АЙИРМАНГ

Ҳурматли газета таҳририяти! Сизга ташвишланиб мактуб ёзишимиздан мақсад, аввалги Островский номли ўқувчилар саройининг бугуни ҳақида қайғуриш.

Бу жой Хуршид кўчасида жойлашган, ўз даврининг ҳурматли кишиси Норматбойнинг боғи бўлиб, Советлар даврида Островский номидаги шаҳар пионер ва ўқувчилар саройига айлантирилган эди. Яхшиямки раҳматли Норматбой шундай ажойиб сарой қурган эканларки, халқимизнинг бўлажак шоирлари, адиблари, олимлари, инженерлари, спортчилари ва давлат арбоблари шу ерда камолотга эришдилар. Ҳозирги кунда уларнинг номларини жумҳуриятимиздагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам ҳурмат билан тилга олишади. Биз фақат айримларинигина эслатиб ўтмоқчимиз. Бу ерда Ғайратий, Қуддус Муҳаммадийлар болаларимизга шеър ёзишни ўргатишган. Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Мамарасул Бобоевлар тез-тез келиб турар эдилар. Эркин Воҳидов, Хайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Сайёр, Анвар Исроилов, Ҳожиакбар Шайховлар шу тўгаракларда таълим олишган. Ўзбекистоннинг илк чемпионлари Азмитдин Хўжаев, Мамажон Муҳитдиновлар шахмат тўгарагини олиб бордилар ва кучли шахматчиларни етиштирдилар.

Футбол тўгараги ўзбек футболига машҳур чарм усталаридан Қобил Муқимов, Лазиз Мақсудов, Акмал Азизхўжаев, В. Трошин, В. Ятченколарни етказиб берди!

Хуллас, бу ер ёш авлод учун илм, маданият, санъат, одоб, ҳунар макони эди. Энди-чи, бу жой узоқ йиллардан бери ташландиқ ҳолга келган. Ёш табиатшунослар станцияси ва шаҳар ўйин майдончаларидан тўгаракларга болаларимизни ёлғиз юборишга чўчиймиз. Ҳар хил хунук ҳодисалар бўлиб турибди. Бу ерга жиддий эътибор бериш кераклиги ҳақида шаҳар халқ таълими раҳбариятига мурожаат қилдик. Лекин ҳеч қандай ижобий ўзгаришлар бўлмади. Аксинча, куни кеча бир неча одамлар келиб: «Энди бу футбол майдонининг ўрнига бинолар, омборлар қурамиз, биз шаҳар ҳокимиятидан рухсат олганмиз! Эртами индин иш бошлаб юборамиз!» — деб чизмалар чизиб кетдилар. Бу қандай гап? Шундай ажойиб, антиқа жойни тузатиб, яна ҳақиқий болалар оромгоҳига айлантириш ўрнига кимларгадир бериб юборилса.

Биз келажак авлодга, ёшларимизга қандай кўз билан қараймиз, деб «Саноат» маҳалла қўмитаси аъзолари, Фаол, Хуршид, Қошиқчи кўчасида истиқомат қилувчи аҳоли номидан

Т. ЙЎЛДОШЕВ,
М. ШОРАҲМЕТОВ,
(Жами 30 имзо).
Тошкент шаҳри.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **БАҒДОДНИНГ** АҚШ собиқ Президенти Жорж Бушни ўлдириш учун фитна уюштиргани ҳақидаги хабар тасдиқланадиган бўлса, Америқо қонунчилари Ироққа қарши ҳарбий куч ишлатишга қадар кескин чоралар қўллашни талаб қилмоқда.

● **НОБЕЛЬ** мукофоти совриндори, Колумбия ёзувчиси Габриэль Гарсиа Маркес янги асарини ёзиб тугатди. 320 саҳифалик «Муҳаббат ва бошқа алламбалолар ҳақида» деб номланган роман икки йилдан ортиқ меҳнат самараси бўлиб, муаллифнинг энг фожиавий асарлари сирасига киради.

● **ХИТОЙ** Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг бошлиғи Ли Пен шамоллаш оқибатида касалхонага ётқизилди. У апрель охирида инфаркт-миокардни бошидан кечирган эди. Соғлиғини батамом тиклаб олиши учун уч ой керак, дейишмоқда шифокорлар.

ЯНГИ ЗАВОД ҚУРИЛАДИ

Бухоро вилоятида нефтни қайта ишлайдиган янги завод қурилишига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу заводнинг ишга туширилиши республикани ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашни анча яхшилаш имконини беради.

Завод қуриш учун Қоровулбозор шаҳридан 13 километр масофада, Бухоро—Қарши темир йўли яқинида 300 гектар ер ажратилди. Лойиҳада 500 минг тонна металл конструкцияларни ўрнатиш, 500 минг куб метр сиғимли идишлар барпо этиш кўзда тутилган. Иншоот қурилишида икки ярим минг ишчи ва мутахассис ишлайди. Шу ерда ўн минг киши яшайдиган шаҳарча барпо этилади. Заводни 1995 йилда ишга тушириш белгиланган.

Мустақиллик одимлари

ТЎРАҚЎРҒОН ХУРМОСИ

Тўрақўрғон туманидаги «Тўрақўрғон» жамоа хўжалигида янги боғ барпо этиш учун ажратилган ерларда хурмо етиштиришга қарор қилинди. Ҳозир экилган ниҳоллар бир неча йилдан сўнг ҳосилга киради ва хўжалик етиштирадиган мевалар орасида хурмо ҳам бўлади.

Илгари боғларга кам эътибор бериларди, бу йил баҳорда Наманган вилоятидаги ҳар бир хўжаликда боғлар барпо этиш учун ер ажратилди. Янги анорзорлар, анжирзорлар, хурмозорлар ва бодомзорлар барпо этилди. Натижада бир неча юз гектар ерда янги боғлар вужудга келди, 55 гектар ерга қулупнай кўчатлари ўтқазилди, келгуси йилда қулупнайзорларни икки баравар кўпайтириш назарда тутилмоқда.

(ЎзА мухбири).

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **ТОЖИКИСТОНДА** табиий офат — қаттиқ ёмғир ёғиб, сел келиши оқибатида кўпгина жойлар талофат кўрди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда кўрилган зарар 100 миллиард рублдан ошиб кетган, Ҳатто Помир ён бағрида бунёд этилаётган Рогун ГЭСида аҳвол янада мураккаблашди. Қурилаётган гидроэлектр станциянинг машина зали сув остида қолди.

● **МОСКВАДА** банклараро валюта биржасида навбатдаги савдо-сотиқ бўлиб ўтди. Бир АҚШ доллари 859 рублга сотилди.

● **МОСКВА** ҳокими Юрий Лужков 10 май куни қаттиқ юрак хуружига дучор бўлди. Зудлик билан касалхонага ётқизилди. Шифокорларнинг айтишига қараганда унинг аҳволи яхши.

● **ДУНЁГА** машҳур эстрада хонандаси Майкл Жексон Москвага келиб концерт беришни режалаштирмоқда. Шу муносабат билан дастлабки ўзаро келишувларга имзо чекилди.

● **АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ** Билл Клинтон мамлакатнинг ўрта ғарбида сафарда юрибди. Икки кун давом этадиган бу сафардан кузатилган асосий мақсад Огайс ва Иллинойс штатларида маъмуриятнинг миллий иқтисодиётини рағбатлантириш ва федерал бюджетнинг камомадини қисқартириш дастури Америқо афкор оммаси томонидан қўллаб-қувватланишига эришишдан иборат.

● **ЯПОНИЯ** Бош вазири Киити Миядзава май ойида Борис Ельциннинг Токиога сафар қилмаслиги сабабини ҳудудий муаммо билан боғлиқ, деган тахминини рад этди.

Матонат ақл эгаси бўлув демакдир.

Абдулла АВЛОНИЙ.

ТАНИШИНГ: АБДУРАҲМОНОВ Қаландар Хўжаевич — Ўзбекистон меҳнат, аҳоли бандлиги ва ижтимоий муҳофазаси муаммоларини ўрганиш республика илмий Маркази директори.

Қ. Х. Абдураҳмонов 1946 йил Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида туғилган. Ўрта мактабни муваффақиятли тугатгач, у Москвадаги ҳозирги Россия иқтисодиёт академиясида таҳсил кўрди. Талабалик йилларидан сўнг шу даргоҳдаги машҳур олимлар билан ишлаб аввал номзодлик, кейинчалик эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу орада унинг 120 дан зиёд илмий иши, 10 дан зиёд йирик рисоласи чоп этилган. Қаландар Хўжаевич Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида фаол илмий-педагогик ишларга бош-қош бўлди.

МАТОНАТ

— Янги давр, таркиб топиши кутилаётган янгича ижтимоий муносабатларнинг аксариятини изга солиш, мувофиқлаштириш сизларнинг гарданингизда бўлса керак? Умуман, илмий Марказ бажарадиган вазифалар нималардан иборат?

— Жумҳуриятимизнинг бозор муносабатлари шароитига ўтиши ҳозирга келиб Президентимиз, парламент ва ҳукуматимиз олиб бораётган иқтисодий ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатининг амалий натижаларига айланиб бораётганлиги давримизнинг ижобий ҳодисаларидан биридир. Шу билан бирга халқимиз ҳам юрт тақдирига, келажагига ишонч ҳосил қилмоқда. Маълум маънода олганда, биз ана шу қийинчилик билан бунёд бўлган ишончни сақлаб қолишни бош мақсад қилиб олишимиз лозим. Бунинг учун республикамиздаги барча мутасадди раҳбарлар, иқтисодчи олимлар, юрт тақдирига ўз тақдири сифатида қаровчи барча кишиларнинг бетиним меҳнат қилишлари, изланишлари талаб қилинади. Биз сўз ва иш бирлиги эҳтиёжига айланувчи жамият томон бормоқдамиз...

Истиқболда турган ниҳоятда улкан мақсадлар бизнинг илмий ташкилотимиз олдига ҳам мураккаб ва шарафли вазифаларни қўймоқда. Ҳозир мен бир қанча энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни санаб ўтаман, шунга кўра, илмий Марказимизни ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад тўғрисида бирмунча тасаввур ҳосил қиласиз.

Биринчидан, бозор муносабатларига ўтиш йирик ижтимоий ўзгаришларни зарур қилиб қўяди. Уларнинг энг мушкуллари — халқнинг шу маҳалгача шаклланган дунёқарашини тубдан ўзгартириш, ижтимоий адолат мезонларини янгидан жорий қилиш, иқтисодиётни мулкчилик манфаатлари ва илмий-техника тараққиётининг устивор йўналишлари асосида таркибан бошқатдан ташкил қилиш каби вазифалардан иборат. Иккинчидан, давримизнинг сифат жиҳатдан ўзгариши, эски қарашлар таназзули ва эндигина бош кўтараётган илғор тараққиёт куртаклари ҳаққи жамиятимиз баъзи «тўловлар» тўлашга мажбур бўлади. Чунончи, манфаатлар табақаланувининг пайдо бўлиши ҳар хил иқтисодий, сиёсий ва бошқа тебранишларга олиб келади (халқнинг тўлқинланиши одатда янги давр келганлигини ёхуд давр мазмуни ўзгараётганлигининг дастлабки белгисидир). Бу босқичдан муваффақиятли ўтилгач, нотенг манфаатларни келтириш, мувофиқлаштириш учун аҳолининг кам даромадли ва бечораҳол табақаларини давлат ўз ҳимоясига олиши, энди оёққа тураётган, турли мулкчилик шаклларига асосланган корхоналар (кичик ва ўрта бизнес), хўжаликларга — агар улар кўпчилик манфаати йўлида фаолият бошлаган бўлишса — маълум бир иқтисодий эркинликлар ва имтиёзлар яратиб бериш лозим бўлади.

Ҳозирги замон бозори — оқилона хўжалик юритишнинг бебаҳо мактабидир. Унинг юқори меъёрларда шаклланиши бизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигимизни принципиал жиҳатдан асослайди. Юқорида зикр этилган вазифаларни амалга ошириш учун одамларнинг иқтисодий онгини, эртанги кунга ва бугунги кун муваффақиятига ишончини ҳам шакллантириш керак. Айни пайтдаги мураккаб вазиятда кўпчиликнинг руҳияти эртаксифат мўъжизаларга ишонишга мойил бўлади. Халққа юртни бойитувчи асосий восита давлат ёки бошқа бир ёрдам қўли эмас, балки ҳар кимнинг ақлий ва жисмоний қобилиятини тўла ишга солиши эканлигини англатиш лозим.

Иқтисод тили билан айтганда, меҳнатни маданий бозор мезонлари асосида ташкил қилиш, бир вақтнинг ўзида аҳолининг барча иқтисодий табақаларини ўрганиш асосида уларнинг энг кам

даромадлиларини жамият томонидан иқтисодий муҳофаза қилиш, инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқини иложи борича юқори даражада таъминлаш каби йирик масалалар илмий Марказимизнинг бош вазифаларидандир.

— Демак, илмий Марказ меҳнат, аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳимоялашнинг амалий масалалари билан шуғулланади...

— Биз нафақат амалий масалалар, балки «инсон — меҳнат» деб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлган барча назарий-фундаментал ва амалий масалаларни ҳал қиламиз. Шу мақсадда илмий Марказ қошида номзодлик ва докторлик диссертацияларини экспертиза текширувидан ўтказувчи ва ҳимоя бўйича илмий Кенгаш ташкил қилиш ниятидамиз. Ҳукуматимиз раҳбарияти, Олий аттестация комиссияси кўмагида, ўйлайманки, эзгу мақсадимиз амалга ошса керак.

— Қаландар Хўжаевич, янги ишни қандай бошладингиз? Қийинчиликлар кўпми?

— Асосий қийинчиликлар ҳали олдинда. Ҳозир биз Марказни ҳуқуқий шахс сифатида оёққа турғазиш муаммолари билан бандмиз. Май ойи охиридан бошлаб тўла хўжалик ҳисобидаги, йирик ва жиддий буюртмалар асосида ишловчи илмий ташкилот сифатида фаолият юргаза бошлаймиз. Шунгача барча ташкилий-ҳуқуқий, кадрлар масалаларини асосан ҳал қилишимиз керак. Биз фаолиятимизни меҳнат иқтисоди, меҳнатни илмий социологик таҳлил ва ташкил қилишнинг буткул янги, ҳозирги ва келажак давр принципларига тўла мос келувчи мезонлар асосида ташкил қилмоқдамиз. Асосий мақсадимиз — илмий натижадорлик ва ҳақиқийлик пойдеворини бунёд қилиш...

— Иқтисод фани хулосаларини амалий ишлар билан боғлаш осон кечмаса керак?

— Ўзбекистоннинг иқтисодчи кадрлар, потенциали жуда йирик имкониятларга ва ёрқин келажакка эга, мен бунга ишонаман. Аммо иқтисод фанимизнинг умумий аҳволи, амалий муаммоларни илмий жиҳатдан ўрганиш қамрови, яширишнинг ҳожати йўқ, анча мушкул ва ночор вазиятда. Бошқа кўпчилик фанлардан, турли назарий тизимлардан фарқли, иқтисод фани давр билан ҳамнафас яшайди. Шунинг учун ҳам ўтган ўн йилликлар давомидаги тузумимизда юз берган инқирозлар, иқтисодий чекинишлар иқтисод фанида ҳам ўз изини қолдирди. Фанимиздаги холислик, илмийлик сарҳадлари емирила бошлаган эди...

Оқибатда ўтказилган тадқиқотлар, илмий хулосалар ҳаётдан, пойдевордан ажралди, сифатсиз бўлиб қола бошлади. Кўп йиллик тажрибадан шуни кузатдимки, соҳамиздаги аксарият илмий ишлар нашр қилинмасдан олдиноқ, диссертацияларнинг асосий қисми эса — ҳимоя қилинишидан кейин кўп ўтмай маънавий жиҳатдан буткул қадрсизланиб қолмоқда. Бу эса бизнинг олдимизга илмий тадқиқотлар сифатини, ўтказиш даврини оқилона қамровга келтириш ёки қисқартириш, илмий хулосаларни имкон қадар тезроқ амалга ошириш вазифасини қўяди.

— Агар тўғри тушунган бўлсам, илмий Марказ олиб борадиган назарий-амалий тадқиқотлар ҳозирги ва келажак жамиятимиз илғорлик даражасини белгиловчи кўзгу бўлиши лозим. Шундайми?

— Тўғри, илмий Марказ чиқарувчи хулосалар ва белгиловчи тадбирлар мўътадил ва истиқболли ҳаётни ташкил қилиш воситаларидан бири бўлиши билан бирга, сиз айтгандек, ҳақиқий турмуш «кўзгу»си ролини ҳам бажариши мумкин. Бир мисол: бундан 60 йиллар муқаддам Оврупода ишсизлик ва меҳнат муаммолари ўзининг энг сўнгги нуқтасига 1930 йиллар бошида етиши мумкинлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган эди. Аммо иқтисодчи ва социолог олимларнинг муҳим назарий хулосалари ўша даврнинг суронли шовқини остида сезилмай қолиб кетди. Ҳақиқатдан ҳам 1932 йилга келиб Оврупо ўз тарихида илк бора энг юқори даражасидаги (30%) ишсизликка «эришди». Маълумки, ана шу ишсизлик даражаси ва салмоғи кўп ўтмайин тотал террорчилар ташкилоти — фашизмни кадр жиҳатдан асослашга хизмат қилди. Ишсизлик ўшанда иқтисодий категория доираларидан чиқиб, ҳарбий категорияга айланган эди. Демак, ишсизлик меҳнат иқтисодининг асосий унсури сифатида иқтисодий ҳаётнинг кўзгуси ҳам, воситаси ҳам бўлиши мумкин...

Мен шуни таъкидламоқчиманки, салбий воқеликларнинг жамият ҳаётида бўлмагани яна яхши. Бироқ ҳақиқатдан кўз юмиш мушкул. Донишмандлар бекорга: «Афлотун дўстим бўлса ҳам, ҳақиқат менга қимматроқ», — дея айтишмаган...

— Қаландар Хўжаевич, илм, бутун умрга чўзилувчи бетиним изланишлар одамда матонат, сабр, тоқат ирода отлиқ кучли сифатларнинг бўлишини тақозо этади. Шунга қандай қарайсиз?

— Мустақил элимизга, одамларга нафи тегадиган бўлса, ҳар ким ҳам ўзида ушбу сифатларни шакллантириши мумкин...

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош
Карим РАҲИМ.

«— ОНАНГ ҚАЕРДА ЭКАН-А?»

Р. АКБАРАЛИЕВ сурати.

ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ҲАФТАЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш тўғрисидаги қарори юртимизда бу спорт турининг чинакамига оммалашувига муҳим омил бўлди. Шу муносабат билан 13—20 май кунлари Жиззах вилоятида биринчи бор «Ўзбек футболи ҳафталиги» катта тантана билан ўтказилади. Мухбиримиз Ўзбекистон футбол федерацияси оммавий футбол ва спорт иншоотлари бўлими мудири Мухтор ҲОШИМОВ билан қисқача мусоҳаба уюштирди.

— Мухтор ака, газетхонларга футбол байрами ҳақида тўлароқ маълумот берсангиз!

— Жиззах вилояти стадионларида бўладиган «Ўзбек футболи ҳафталиги»да ҳар бир тумандан жисмоний тарбия жамоалари, жамоа ва давлат хўжаликлари, маҳаллалар, илмгоҳлар, умумтарбия мактабларидан жамоалар иштирок этадилар. Улар турли тоифалардаги ўзаро саралаш мусобақаларида қатнашиб 19 май куни ғолиблар аниқланади. 20 май футбол ҳафталигининг сўнгги куни эса «Жиззах» стадионида Осиё кубоги ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун «Пахтакор» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона) командалари ўртасида финал ўйини бўлади. Ғолибларга, алоҳида маҳорат кўрсатган жамоа ва ўйинчиларга ҳам совғалар шу куни топширилади. Ташкилий ва тайёргарлик ишлари анча аввал бошлаб юборилган. Санъаткорлар, савдо ташкилотлари, матбуот ходимлари байрам тадбирларини яхши ўтказиш учун жалб этилган.

— Байрамдан кўзланган мақсад нима!

— Бизда футболни севувчилар кўп. Шундай бўлсада футболчиларимиз, истеъдодларимиз, ютуқларимиз билан мақтанолмаймиз. Нега шундай? Менимча, биздаги истеъдодлар панада қолиб кетаётганидан, ҳеч ким уларга эътибор бермаётганидан, уларни изламаётганидан бўлса керак. Бу байрамда ҳамма вилоятлардан вакиллар қатнашиб, ўйинчиларни кузатадилар. Маҳоратлиларини саралаб оладилар ва улар билан мунтазам иш олиб борадилар. Футболни янада оммавийлаштиришда бу байрам алоҳида ўрин тутади. Стадионларнинг ҳолати ўрганилади, таъмирталаблари таъмирланади.

— Маблағ масаласи, совринлар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Туман ҳокимиятлари, қолаверса, Жиззах вилояти ҳокимлиги, футбол федерацияси, кўплаб жамоалар, ташкилот, корхоналар бу ишга бош қўшишган. Совринлар ҳар бир тоифа ғолиблари учун алоҳида-алоҳида.

— «Ўзбек футболи ҳафталиги» байрами биринчи ва охирги маротаба бўлиб қолмайдими!

— Йўқ. Насиб қилса бу тадбир анъана бўлиб қолади. Футбол ҳафталикларини бир йилда икки бор ўтказишни режалаштирганмиз. Апрель—май (баҳорда) ва сентябрь—октябрь (кузда) ойлари ҳар бир вилоятда навбати билан ўтказамиз. Бора-бора бу анъанага айланиб, ўзбек футболи шуҳратини жаҳонга ёйса, тадбир миллий байрамларимиз, футбол эса миллий ўйинларимиз қаторидан жой олса ажабмас.

Нодир МАҲМУДОВ
суҳбатлашди.

Янги китоблар

Таниқли ёзувчи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али яқинда ўзбек китобхонларига «Сарбадорлар» романини тортиқ қилди. Уни Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси 25 минг нусхада чоп этди. Бу тарихий асар кейинги йилларда ўзбек адиблари орасида яратилган энг катта романлардан биридир. Тарихимизнинг маълум бир даврлари хусусида кўпчилик ўқиши мумкин бўлган бадиий асарнинг дунёга келиши олқишларга сазовор ишдир.

Тарихдан маълумки, сарбадорлар ҳаракатининг асл ватани Эрон ҳудудидаги Сабзавор шаҳри бўлган. У ерда сарбадорлар ҳокимияти тузилиб, бу ҳокимият анча вақтлар ҳукм сурган. Кейинроқ худди шу ҳаракат Самарқандда ҳам рўй берган. Шу орада бу ҳаракат бошқа жойларга ҳам ўтди.

Бу ҳаракатнинг ғалаба қилишида тарихий шароитнинг ўрни борлигини ҳам унутмаслик керак. Китобда таъкидланганидек IV асрнинг ўрталарига келиб, қарийб 150 йил давом қилган Чингизхон ҳукмронлиги парчаланиб, емирила бошланганди. Тахт талашувидан иборат ўзаро урушлар авжига чиққан, пайдо бўлган катта феодал давлатининг ўрнини босадиган куч ҳали юзага келганича йўқ эди. Бу сарбадорлар ҳаракатининг ғалабаси учун тарихий шароит эди. Муҳаммад Али романида мана шу ҳақиқат ишонарли кўрсатиб берилган. Ҳатто адиб тарихий шахсларнинг номларини ҳам ўз ҳолича сақлаган. Улар Сабзавор сарбадорларининг раҳбарларидан ташқари, Самарқанд сарбадорлаининг раҳнамолари бўлмиш Абу Бакр Калавий, Мавлонозодалардир. Булардан ташқари Амир Ҳусайн, Амир Темур, Илёсхўжа сингари тарихий шахслар ҳам романда иштирок этадилар.

Биз китоб ҳақида кўп гапириб ўтирмаймиз. Кимки шу Ватанни жон-дилидан севса, унинг фидойи қаҳрамонлари ҳақида кўпроқ билишни истаса бу романни топиб ўқийди. Чунки, бу асар тарих орқали бугунги ҳаётимизни тушуниб олиш учун сизга ёрдам қўлини чўзса ажаб эмас.

Муҳаммад Али
ОШИҚ БЎЛМАЙ, ҲАҚ ДИЙДОРИН КЎРСА БЎЛМАС

Яна шу адибнинг «Ошиқ бўлмай, ҳақ дийдорин кўрса бўлмас» номли эсселар ва мақолалар тўплами ҳам нашр этилдики, бу китоб ҳам барча муштарийларни қизиқтиради, деб ўйлаймиз.

МИННАТДОРЧИЛИК

РАҲМАТ СИЗГА, ЯХШИЛАР!

Кўзингга тик қараб, туҳмат қилиб турса, нима қилишингни ҳам билмай қоларкансан киши. Бекорга халқимиз ўт балосидан, сув балосидан, туҳмат балосидан асрасин демас экан.

Тошкент давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиётини битиргач, 1985 йилдан 1992 йилгача Шаҳрисабз шаҳар халқ судида ижрочи вазифасида ишладим. Кутилмаганда 1992 йил 25 май куни менинг устимдан жиноий иш қўзғатилди. Сабаби 1983 йил туманимиздаги Чоршанбе пахта пункти мудири Г. Рўзиев устидан жиноий иш қўзғатилиб, у Наманган вилояти суди ҳукми билан 14 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди. Унинг мол-мулкини ижрочи сифатида қонуний ҳал қилдим. Г. Рўзиев тили билан айтганда, мен унинг мол-мулкини ўзлаштириб олган эмишман.

Мени ишдан олишди. Менга нисбатан туҳмат қилинаётганини, адолатни қарор топдиришда ёрдам беришни сўраб республикамиз Президентига ва республикамиз Бош прокурорига ариза ёздим. Ўша кунлар қандай қийналганим ўзимга аён. Яхшиямки, дунёда адолатли, яхши одамлар бор экан. Менинг устимдан терговни Республика прокуратурасининг бош тергов бошқармаси катта прокурори С. Полвонов, сўнг Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчиси Ш. Нуралиевлар олиб борди. Менинг ҳаракатимда жиноят аломатлари бўлмаганлиги учун ЎзР ЖПК 5-моддаси 2-қисми билан «иш»ни бекор қилдилар.

Ҳақиқат қарор топди. Аммо, чеккан азобларимни эсласам... Ушбу хатни таҳририятга ёзишдан мақсадим, бугунги кунда адолат учун курашаётган кўплаб мен каби туҳмат балосига учраганларга «Курашда дадил бўлинг, руҳингизни тетик қилинг» демоқчиман.

Адолатни қарор топишида бевосита ёрдам кўрсатган Республика Бош прокурори Б. Мустафоевдан ва барча яхши инсонлардан оиламиз бир умр миннатдор. Яқин кунларда севимли ишимга қайтаман. Ниятим, ҳуқуқшунос сифатида жиноятчиликка қарши курашаётган ҳамкасбларим билан бир сафда бўлишдир. Ноҳақ жабр чекиш нималигини бошимдан ўтказдим. Танамда жоним бор экан, адолат тамонида туриб ҳақиқатни ҳимоя қиламан.

Шуҳрат ЖЎРАЕВ,
ҳуқуқшунос.

Тангридан келурмиз

ОЛМОНИЯДА яшаётган ватандошимиз Темирхўжа Ўзбекистонга келганида суҳбатлашиб ўтирганимизда Туркияда Севинч Чўқум деган талантли ёзувчи борлигини айтганди. Сизнинг ҳикояларингиз билан ул ёзувчининг ижодида қанақадир яқинлик бор дегандилар.

Шу учрашувдан сўнг ҳозирги турк адабиётининг машҳур ёзувчиси Севинч ижоди билан қизиқиб қолдим. Унинг асарларини изладим. Аммо тополмадим. Шундай кунларнинг бирида адибанинг «Бизим диёр» романини шоиримиз Жамол Камол Туркия сафарига борганда келтирган эдилар. Чўқумнинг ижоди билан қизиқишимни билган шоир Тоҳир Қаҳҳор унинг «Учрашув» ҳикоялар тўпламининг иккинчи нашрини тортиқ этдилар. Ўзлари Туркия сафарида Севинч билан ҳамсуҳбат бўлгани учун кўп яхши гаплар айтдилар. У киши айниқса, адибанинг туркий халқлар тарихини, адабиётини яхши билишини, Туркистон халқлари классик адабиётини зўр муҳаббат билан ўрганганлигини, туркийлар адабиёти муаммоларига бағишланган халқаро анжуманларда мунтазам қатнашиб туришини таъкидладилар.

Туркий халқлар адабиётининг билимдони, профессор Темирхўжа ҳам Севинчнинг ҳикояларини ўзбек туркчасига ўгиришда жуда катта ёрдам бергандилар. Ҳикоялардан бирини аёллар учун мўлжалланган нашрга беришни таклиф қилдилар. Чунки шу кунгача бизнинг зиёли ўзбек аёлларимиз Ш. Дронта, А. Кристи, М. Шагинян каби ёзувчилардан намуна ўқиса ўқиган, аммо турк адабиётидан умуман бехабар қолган. Қардош адабиётлар ҳатто қозоқ, қирғиз, туркман адабиётидан қизил мафкуранинг байроқдорларига айланмиш сардор ёзувчилардан ўзгаларини билмасдик, танимасдик. Айни шу маънода хорижлик ватандошимизнинг қайғуриши ўринли эди.

Энди Севинч ҳақида: Севинч Чўқум Истанбулда туғилди. Илк сабоқни Туркиядаги Бешиктош лицейида олди, Истанбул университети адабиёт факультети, турк тили ва адабиёти бўлимини битказди. Унинг «Эгик оғочлар», «Учрашув», «Мохина» каби ҳикоялар тўплами чиқди ва «Зўр», «Ҳилол кўрингунча» романлари ва «Янгидан яралмоқ» сценарийси Туркиянинг энг обрўли мукофотларига сазовор бўлган.

Севинчнинг ҳикояларида руҳ бор, жон бор. Замон тўфонларига қасдма-қасд ҳар бир қаҳрамоннинг юрагида: руҳ эркинлиги, инсоний ҳурликка интилув зоҳир эди. Ёзганда ҳам ҳеч нарсадан ҳайиқмай эмин-эркин, ёйилиб-ёзилиб, хаёлидан, юрагидан не кечса шундай тўккан. Ўзини алдамай фақат рост ёзган. Ёзганларини биров қолипга солишга, андавалашга интилмаган! Бизники каби юракларга кўчмиш қўрқув таъқиб этмаган.

Буюк мутасаввуф Жалолиддин Румий ҳазратининг падари улуғ ва маҳзун шайх Баҳоуддин Валад: оғир иқрор билан; бундан минг йиллар (!) теграсида: «Тангридан келурмиз, тангрига борурмиз», дейдилар. Шундай! Агар нокамтарлик бўлмаса, Севинчни Устоз деб билардим. Балки, устоз демиш сўз, буюк ва муқаддасдир. Ҳадсиғмас каломдир. Барибир! Мен унда (унинг ижодида) ўзим етмаган, айтиб улгурмаган, номозшом гулидай гизли туйғу ва нури ҳурликни кўрдим.

Бизга етиб келган хабарга кўра Севинч Чўқум бу йил эллик ёшга тўлармишлар. Лекин у зот ҳамма маънода гўзал ва навқирон! Камолот ва тафаккур ёши муборак бўлсин!

Севинч хаёл ва талант денгизининг шиддати, туркларнинг Ота юрти ҳисобланмиш Туркистонга ҳам етиб келиши тасодиф эмас. — Тақдир — бу, тақдир эса — оллоҳ иноятиби билан туғилади.

Саломат ВАФО.

Газета саҳифаланаётганда:

ЛАВОЗИМ — ҚОБИЛИЯТИГА ЯРАША

Наманган вилоятидаги Совет тумани ҳокимлиги бюджет ташкилотлари раҳбар ходимлари учун аттестация комиссияси тузди. Катта ваколатлар берилган кишиларнинг ишчанлик фазилатлари холисона баҳоланди. Фақат касбга доир тайёргарлиги ва хизмат бурчларини аъло даражада билиши, уларни бажариш маҳорати эътиборга олинди.

Бу синовдан ҳамма ҳам ўтди, деб бўлмайди. Маданият уйининг директори, санитария-эпидемиология станциясининг бўлими мудири синовдан ўта олмадилар. Ижтимоий таъминот бўлими мудирининг ўринбосари шартли равишда лавозимида қолдирилди. Уларнинг ҳаммаси туман ҳокимининг қарори билан бошқа ишга ўтказилади.

Тумандаги корхоналарнинг, катта ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам шундай имтиҳондан ўтадилар, уларга каттароқ талаблар қўйилади. Яъни уларни аттестациядан ўтказиш билан вилоят ҳокимлиги шуғулланади.

(ЎзА мухбири).

ҚУЁШНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

(ҲИКОЯ)

ҲУВИЛЛАГАН боғчадан ва кекса кишиларнинг зерикарли хаёллари синган дераза шишалари олдидан ўтиб, уйга кирганимда ўргимчакнинг завқ билан тўқиган тўрлари юзимни силади. Кузда шундайлигича қолган хоналарда, ошхонанинг қоронғи бурчакларида, иссиқ нафас оладиган бир неча ҳашорат, балки каламуш ҳам бўлиши мумкин эди.

Бўлиши ҳам керак. Чунки, қиш бўйи уйда одам бўлмади.

Ҳа.. хоналарда, саватларда, халталарда ёздан ортиб қолган алланарсалар бор эди. Ҳатто ис босган суюкли ёз лампасигача... Бу уйни ҳар ҳолда энг кўп шу лампа туфайли эслайман. Ҳалиги, қаҳ-қаҳалар билан тўлган кечаларда баъзан, электр тўсатдан ўчиб, бир муддат кўнгил чўкканида, ўша лампани ёқар эдим. Ва унинг ёруғ кўзларига суқилардим. Лампам парвоналарнинг паноҳи, парвоналарнинг тузоғи эди...

Бироқ, мен бу ерда ёзуқиш ўтирадиган кексалардан бири бўлишини, зерикарли совуқ кунларда денгизга ташвишли кўзлар билан боқишни истамаган эдим-ку?.. Балки, оғриётган тиззаларимни адёл билан ёпиб, атрофимдан ёш сасларимни излармидим... Борган сари соатларни, кунларни эсдан чиқарар эдим-да, денгиздан ўтган кемаларнинг ким билади, нечанчисини санажак эдим... Нимани қайга қўйганини билолмаган, ҳар доим ўйланиб, алланарсаларни излаб юрувчи бир одам... Жавлонларни ахтаряпман. Бўхчаларни ечиб, тугаяпман. Ора-сира таёғимга суяниб, дераза олдига боряпман. Ҳайратлар ўтажак юзимдан, кўзларимдан. Ҳеч ким ечмайдиган... Ўз дунёмнинг бахили бўлажакман, Ҳеч ким билмаяжак..

Бу ерни ташлаб кетиш билан қаримоқдан қутиламан деб ўйлайман. Инсон қисматида наҳот шундай кунлар бор? Шу даҳага илк бор келганимда қандай ёш эдим-а! Ким эди ўша менда яшаган инсон? Ўша аёл қўлида савати билан бозорларга борар, кунни энг иссиқ бўлган чошгоҳларида сабзавотлар билан қайтиб келарди. Кучли ва иродали бир инсон эди.. Энди, албатта, у менга нотаниш...

Шундай. Кексалар қиш бўйи, майдон то сентябрь охирларигача бу ерни тўлғазган оломон қўшиқларини, товла товушларини, балконлардан тошган қаҳ-қаҳаларни соғиниб яшардилар. Одамлар оёғи тортилганида, аста-секин суқилиб кираётган кузнинг хўл йўлакларида хазон япроқлари телбаларча айланаётганда дераза олдида ўтириб, кетганлар худди қайтиб келмайдигандай, юрак оғриқлари билан қолардилар. Мен ҳам шундай бўлажакманми?

Қуёш пардага ёпишиб олиб, бир парчасини ичкарига олганди... Менга ойдинлик ва иссиқ кулиш билан бир нарсаларни айтаётгандай. Юзим ўша томонга қайрилиб қолган. Ўшанда у одамни кўрдим. Катта пальто кийиб олгани учун таний олмадим. Шундоққина оқ парданинг орқасида туриб нафас олаётгандай эди. Сўлғин ёноқлар... Бирданига таниб қолдим. Унинг хонадони ёнимиздаги Ёсамин даҳасида эди. Ўша биринчи қаватдаги биринчи хонадон. Пошаларнинг ости... Агар тирик бўлса яна йигирма беш йилдан кейин кимнинг қайда турганини ким билади, дерсиз. Таёғимнинг «тук-тук» дея тахта тушамига урилиши менинг соғ эканлигимдан далолат беради. Деворлардаги саноқсиз бармоқ излари борлигининг нишоналари... Чунки таёғим бўлмаган вақтларда деворларга суяниб юраман. Ошхона, ҳожатхона ва хоналар орасидаги масофа, менга бир кўча нарироқдай туюлганда яна-да қариганимни англайман...

У одам деразамнинг орқасида жигарранг ингичка бир дарахтдай турарди. Нега келди? Ахир, мавсум ўтиб кетганку! Бу ерда қолиб кетган бир неча кексадан, ложувард ғуссали бир денгиздан, ботиб ётган кичик кемалардан, шовуллаган дарахтлардан бошқа, нима бор энди? Бу йил ҳам ёз кечикади. Баҳор ҳали толларнинг учларидан ҳам тутмади... Боқ, рўпарада ястаниб ётган тоғдаги қор ҳидини сезаяпман. Ўша ҳидни... денгизга орқа ўгириб тоққа қарши ўтирганимда оляпман. Қор уюмлари ҳали ердан кўзғалган эмас. Демак, қишдан чиқилмаган.

У одамни энди очиқ-ойдин эслайман. Ҳалигининг мовий бир қайиғи бор эди... Тез-тез балиқ тутишга борар, баъзан қорли қоялар томон бора сув остига шўнғиб челак-челак чиғаноқли жониворлар билан қайтарди. Қоровулдан, боғбондан ёки даҳанинг ичини яхши билган баққолдан унинг нега бундай бевақт келганини сўрашим керак. Балки билар....

Йўқ... Сўрамайман Бу ҳайрат ва таажжубларни қариликка сақлайман. «Сотилади» деб ёзилган лавҳани бошимдаги турли хаёлларни йўқотиш учун тезда ёқиб дераза шишаларга ёпиштиришим керак. Спиртли қалам билан ва катта ҳарфлар билан «СОТИЛАДИ...» Ёз бошларида кела бошлайдилар. Машиналар тўлган одамлар: «сотилар экан,» дейдилар... Хабар тез тарқалади. Кейин... Ўзгаларники бўлади бу ер. Мен сафдан чиқиб кетаман. Бу ерларни ва бу уйни ортиқ ўйламайман.

У киши қуёшнинг сувдаги ўйинларига қараб хаёлга толганди. Хотини балкондайди. Юзида совуқдан озорланаётган одамнинг ташвиши бор. Сўнг қиш шамоллари олиб келган, қум йиғилиб қолган балконни юва бошлади. У ўша пайт ҳали келишига анча бор бўлган ёзни қўмсаётган эди. Салқин балконга бир ёз кунини ястланган тепа ортидан келтирмоқчи. Янаям ким билади...

Кичик портатив столни очди. Устига зиғир толасидан тўқилган чечакли дастурхон ёзди. Хона ичида бориб-келиб турди... Баҳорни кутиб олувчи дала лолалари — бинафша ранг, қирмизи, оч қизил.. Дала лолаларини экиб қўйгани ясси тупроқ косани келтириб столга қўйди. Сўнг шоколадли кекс (пристань саракидаги қандолатчилик дўконидан олган бўлиши керак), кунжутли тешик кулча печеньелар солинган товоқларнинг оқ ранглисидан қўйди. Хотиннинг ўн икки-ўн уч яшар ўғли столнинг атрофида айланади. Сездирмасдан улардан оғзига солиб, лунжларини тўлдиради. У кичиклигида қўлида челаги билан бизнинг эшигимизнинг олдидан ўтар эди-да. Яхши кўрардик уни... Дадаси денгизга чўмилтиргани олиб борганида узоқлардан қичқириқлари келарди... Баъзан челагини йўқотганда ё бошқа сабаб билан йиғлаганида, онасининг қўлини маҳкам ушлаганича қўйвормасдан чиқиб кетарди. Йиғиси анча вақтгача бизнинг хонада қоларди.

Балконда, аёлнинг ёш қариндоши ўша одам билан Жаҳоннинг оқ, нафис рўмол ўраган кекса онаси пайдо бўлдилар... Мана ёзнинг бир куни. Маъюс хотиралар билан яшаяжаклар. Кечмиш хаёллар, ёш йигитлар, хушбўй учқат ҳидлари ва қаҳ-қаҳалар... Жаҳоннинг ўғли балкон тўсиғига суяниб овоз берди:

— Дада, дада! Келақол!

Дадаси қўзғолишни истамасди. Қуёшнинг сўнгги соатларига қадар ўша ерда қолишни ҳоҳларди. Бу гал аёлнинг сўлғин юзида ёз ҳарорати учганнини кўрдим. Худди у бирданига ўн ёшга қаригандай туюлди.

Жаҳон кисаасидан чиқарган чақмоқ билан сигарет чекди. Бармоқлари шаффоф ва ингичка эди. Шу сигарет унга ҳадя этилган совғаларнинг энг ноёби ва энг гўзалидай, бармоқлари сигарет тушиб кетадигандай қўрқув билан қалтирарди. Чақмоқ негадир оловланмади. Ўзининг нафаси ва аста эсаётган шамол учун... Охири ёнди.

Турди... Юриб бизнинг уй олдидаги зиналардан қумликка тушди. Табиий, мен ҳам у ёқдаги деразага ўтдим... Бошимни дераза олди панжарасига тиркалган пластик идиш ичидаги сўлган петунья толлари орқасига яширишга уриндим.

Қумларнинг орасидан эгилиб бир нарса олди. Бу денгиз юлдузи ёки чиғаноқ эди. Бир ҳовуч шағал тош бўлиши ҳам мумкин. Учларини юзига яқинлаштирди ва ҳидлади. Улардаги яшаш нафасларини ичига тортди Ўйин-кулгу кемалари... Куй ашулаларни варанглатиб, инсон ва ёруғлик тўла кемалар, шундай ёнгинамиздан ўтарди. Қулоғи ёнидаги саслар: яна дунёга келамизми, дердилар?! Аслида барча ғавғолар сохта, қаҳқаҳалар ҳам...

Қуёшнинг ботишига жуда яқин қолган. Одам у ерда қизил бир шафақ ичида ўтирган эди. Оч қизил баҳор толлари самога чўзилган. Қуёш куррасининг ярми йўқолгандан кейин тезлик билан бота бошлади. Охири майда бир парчаси, айрилиқни истамагандай булутларнинг орасига илиниб қолди. Ниҳоят, у ҳам қўрғошин рангли бир оқшом булути ичида эриб кетди. Одам туриб, шаффоф суякли қўлларини киссасига суқиб юрди.

Эрталаб сутчининг велосипеди овози келди. Бу қўнғироқ товуши ё сасидир. Кўп ўтмади. Боғбоннинг оёқ товуши ва супургисининг шитирлаши бетонга урилгани эшитилди.

Боғбон уйга етгунча бўлган, ҳали унча ифлос бўлмаган бетон устини супурар эди. Менинг балконга чиқаним, уни хаёллар гирдобидан тортиб олди.

Балкон темири томон яқинлашиб:

— Биласанми, — деди. — Шу бурчак хонадонда турадиган...

— Жаҳонбек бир неча ойдирки касал экан...

Кўзларим бурчак хонадоннинг деразасига тушди. Пардалар маҳкам тортилган эди. Боғбон қўшимча қилди:

— Балки у ерга борсам тузалиб қоларман деб кеча пешиндан кейин келган экан. Кўргандирсан шу ерда ўтирди... Қуёш ва денгизни соатларча томоша қилди.

Ичимга тўлган ҳасрат аламидан қутилиш учун бошимни юқорига кўтардим. У ёқлардан бир шамол кутдим

— Яъни?

Боғбон бошини эгди.

Англаган эдим.. Яна бетонни супуришга тутинди. Ўзини қийнаётган шу бир неча жумлани айтиб тинчиган эди.

Ичарига кирдим. Хонадан ошхонага ошхонадан хонага бориб келавердим. Столнинг устида бўм-бўш юзи билан менга боққанча ёзишим керак бўлган тўртбурчак картон қоғоз ётарди. Спиртли қаламни қўлимга олдим.

Инсон ер юзидан қаерга бўлса-да бир парча кун ёруғлиги ва бир ҳовуч яшиллик ҳамда бир тепанинг хаёлий чизиқларини қулоғига ўрнашган қаҳ-қаҳаларни олиб кетиши мумкин... Мен-да шундай қилажак эдим. Картон қоғозга спиртли қалам билан каттакон сўзни «СОТИЛАДИ»ни ёздим.

Ниҳоят ёздим-а...

Туркия туркчасидан ўзбек туркчасига ТЕМИРХЎЖА ҳамда Саломат ВАФОлар уйғунлаштиришган.

Севинч ЧЎҚУМ

Келгуси сонда:

- ● ФУТБОЛ, ФУТБОЛ, ФУТБОЛ!
- ● БИЗНИНГ ҲАМ ҚОНУНЛАРИМИЗ БУЛГАН



Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг гидромелиорация факультетини 1983 йилда тамомлаган курсдош дўстларни 1993 йил 22 май соат 10.00 да институт санъат саройи олдида кутамиз. Маълумот учун телефон: (3712) 67-93-80.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА,
А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*),
К.ЖУМАНИЁЗОВ, З.МАМАДАЛИЕВ,
К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*),
С.РУСТАМОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

✉ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—232. 64562 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. 20.30